Ватанни севмак иймондандур!

Ўзбекистон овози

ЎЗБЕКИСТОН АВАЗИ

Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг газетаси

Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

1994 йил 15 январь, шанба № 13—14 (21.618). Сотувда эркин нархда.

ТУТАШ ҚАЛБЛАР

Қирғизистон ҳақида, унинг халқи тўғрисида гап кетар экан, даставвал, шу юртдан, шу халқ орасидан чиққан машҳур ёзувчи Чингиз Айтматов асарларининг қаҳрамонлари кўз ўнгимизда гавдаланади. Чунки Казангап, Эдигей, Найман она, Ойзода, Бўстон, Эрназар ва Гулимхон сингари симолар оқил, собит, эзгулик учун курашувчи инсонлар сифатида халқимизнинг қалбидан жой олган. Бунинг туб сабаблари бор. Тарихи, маданияти, дини, эътиқоди, ери бир ўзбек ҳам, қирғиз ҳам, аслида, ягона Туронзамин фарзанди, бир ўзаннинг ирмоқлари ҳисобланади. Умумтуркий оғзаки ижод намуналаридан бўлмиш Манас ва Алпомишдаги қон-қардошлик, руҳан яқинлик туйғулари бу тарихий бирликнинг мўъжаз тимсоли. «Бўлиб юбору идора қил» деган машъум нақл кучга кирган, табиат ва жамиятда меъёрлар, таносибларнинг бузилишидан келиб чиққан фожеаларга бой шўро замони собиқ Иттифоқ сафидаги бошқа халқлар, элатлар қаторида қирғиз халқига ҳам озмунча жафолар келтирмади. Яхшики, зулм емирилди, ҳайриятки, истиқлол келди. Қирғизистон ўзини мустақил давлат деб эълон қилди, халқ ўз йўлбошчисини сайлаб олди. Мамлакатда мураккаб, аммо умидбахш ўзгаришлар, ислоҳотлар ҳараёни бошланди.

Бугун ёш қирғиз республикасининг, Президентининг Халқаро майдондаги обрўси ошиб бормоқда. Республикада кечаётган демократик жараёнлар ва амалга оширилаётган ислоҳотлар кўпчилик ривожланган давлатлар, нуфузли халқаро ташкилотлар томонидан ижобий баҳоланмоқда, моддий ҳам маънавий қўллаб-қувватланмоқда.

Қирғизистоннинг мамлакатимиз билан ўзаро ҳамкорлик ва яхши қўшничилик алоқалари ҳам тобора равнақ топяпти. Ўзбекистонда 170 мингдан зиёд қирғиз яшайди. Тошкентда тузилган қирғиз маданияти маркази қардош ўзбек ва қирғиз халқлари ўртасидаги иқтисодий-маданий алоқаларни мустаҳкамлаш, турк халқларининг жипслигини таъминлашга ҳисса қўшмоқда.

Маълумки, ишлаб чиқариш корхоналари, завод ва фабрикалар ўртасида хомашё, бутловчи материаллар етказиб бериш борасидаги алоқаларнинг узилиб қолиши қўшни республикалар, жумладан, Ўзбекистон билан Қирғизистон ўртасидаги ҳисоб-китоб ишларини ҳам мураккаблаштирди. Лекин бу масалалар қисқа фурсатда ечимини топди. Қирғизистон Президентининг 1992 йил сентябрида Тошкентга қилган сафари чоғида икки мустақил давлат ўртасидаги ҳар томонлама ўзаро манфаатли муносабатларни ривожлантириш хусусида ҳужжатлар имзоланган бўлса, Асқар Акаевнинг 1993 йил май ойидаги ташрифида Қирғизистонда миллий пул — «сом»нинг тезкор жорий этилиши муносабати билан икки ўртада янги негиздаги ҳамкорликка асос солинди.

Юртбошимиз Ислом Каримов 1993 йилнинг август ойида амалий ташриф билан Қирғизистонда бўлди. Сафар чоғида Ўзбекистон ва Қирғизистон давлат бошлиқлари 1994—2000 йилларга мўлжалланган иқтисодий ҳамкорлик тўғрисидаги баёнотномани имзоладилар. Бу ҳужжат иккала республикада ишлаб чиқилган миллий дастурларни мувофиқлаштириш, бир хил маҳсулот ишлаб чиқарувчи корхоналар ташкил этмаслик, хомашё ва ишчи кучидан, илмий салоҳиятдан унумли фойдаланиш имконини беради.

— Сувимиз, еримиз бир бўлган Ўзбекистон билан дўстлигимизга ҳеч ким раҳна сололмайди, — деган эди Асқар Акаев. — — Бу бирлик бизнинг мустақил давлатлар сифатидаги қудратимизни ҳам бир ўзанга солади, кучайтиради. Ўзбекистон ҳукумати, ҳурматли Президент Ислом Каримов бизга ҳар жиҳатдан ҳайриҳоҳлик қилиб, дунё миқёсидаги ишларимизни қўллаб-қувватлаб келяпти.

Яқинда Марказий Осиё давлатлари ва Россия Федерацияси раҳбарларининг Нукус шаҳрида бўлиб ўтган Орол денгизи ҳавзаси муаммоларига бағишланган конференцияси ишида Президент Асқар Акаев бошчилигидаги Қирғизистон Республикаси расмий делегацияси ҳам фаол қатнашди. Анжуман сўнгида бўлиб ўтган матбуот конференциясида Қирғизистон Президенти ўз мамлакатининг Орол денгизини сақлаб қолиш борасида қилаётган ишлари хусусида сўзлади. Асқар Акаевнинг қайд этишича, республика ҳудудида 10 та йирик сув омбори мавжуд ва уларда 30 миллиард кубометр сув тўплаш имконияти бор. Мамлакат олимлари тавсия этган дастур ушбу сув заҳираларидан Орол дардини енгиллаштиришда фойдаланиш имконини беради. Шунингдек, Асқар Акаев қирғиз олимлари томонидан тоғдаги музликларни муҳофаза қилиш, минтақадаги қўшни республикалар аҳолисини тоза сув билан таъминлаш борасида ҳам зарур дастурлар ишлаб чиқилганини таъкидлади.

Умуман, Марказий Осиёдаги жами давлатлар раҳбарлари минтақада вужудга келаётган муаммоларни ҳал этишда баҳамжиҳат иш тутишмоқда. Бу — қувонарли, айни пайтда, табиий бир ҳол. Зеро, дили дилига, ери ерига туташ халқларнинг ўтиш давридаги муаммолари ва шу муаммоларни бартараф этиш йўлидаги интилишлари ҳам бирдир. Аслида, Марказий Осиё давлатлари ҳамдўстлигини тузишдан мақсад ҳам ана шу интилишларни бирлаштириш, халқларимиз ўртасида асрлар давомида қарор топган дўстлик ва яхши қўшничилик муносабатларини сақлаб қолиш ва ривожлантиришдан иборат. Мазкур ҳамдўстликни барпо этишда, минтақадаги халқлар ўртасидаги яхши қўшничиликни ўрнатишда юртбошимиз Ислом Каримовнинг қатъий ва самарали саъй-ҳаракатлари Бишкекдаги нуфузли «Руҳоният» Халқаро уюшмасининг эътиборига тушди. Ўзбекистон раҳбари ушбу уюшманинг «Халқлар ўртасида тинчлик ва тотувлик учун» мукофоти соҳиби бўлди.

Республикамиз Президентининг Қирғизистонга бўлажак сафари икки мамлакат ўртасидаги ҳамкорлик ришталарини янада мустаҳкамроқ боғлаши, ўзаро муносабатларимизни юқори поғонага кўтаришига шак-шубҳа йўқ.

Ғулом МИРЗО,
ЎзА мухбири.

СУРАТДА: Қирғизистон ва Ўзбекистон Республикалари Президентлари учрашуви пайти.
А. ЗУФАРОВ (ЎзА) олган сурат.

Жўлан МАМИТОВ

ҚЛАТОҒ

(ҚИРҒИЗИСТОН ЛАВҲАЛАРИ)

Руслар Россияни мақтаганидай,
Кўлини, дарёсини, қарағайин.
Пичанзор мақтовига сўз етмагай,
Қайинларин достон этар бу-ку тайин.

Чўлликлар дала-даштин мадҳ этади,
Ғоввосларга денгиз эса тенгдошдай.
Олатоғ, менинг учун қадринг буюк,
Элат-юртим бамисоли қуёшдай.

Ой азалдан чўққиларга ошнодир,
Қояларинг қуёшга турар тегиб.
Олатоғим киндик қоним томган диёр,
Хизматингга ҳозирман бошим эгиб.

Олатоғ оппоқ қорли юксак қоям,
Тонг отарди балқиган нур чароғим.
Мен-чи бир кумуш юган арғумоғинг,
Забаржатим, олмос тиғли яроғим.

Қирғиз тилидан
Турсунбой АДАШБОЕВ
уйғунлаштирган.

Президентларнинг адашлари

1994 йил арафасида Қирғизистоннинг Ўш вилоятидаги Арапон қишлоғида Марказий Осиё давлатлари Президентларининг адашлари дунёга келди.

Гулнорахон билан Абдували Отахоновлар янги йил арафасида туғилган тўнғичларига Ўзбекистон раҳбари Ислом Каримов шарафига Ислом деб исм қўйдилар. Сабохон ва Мамадали Ҳожиматовлар эса фарзандига Қирғизистон Президенти Асқар Акаевнинг исмини беришди. Гулчеҳра ва Шавкат Усмоновлар хонадонида Қозоғистон Президентининг адаши Нурсултон, Хуморгул ва Шералн Аматовлар хонадонида эса, Туркманистон Президентининг адаши Сапармурод катта бўлишмоқда.

Умрларинг узоқ бўлсин, кичкинтойлар, исмлар масъулиятини ҳам унутманглар!

К. НИЗОМОВ,
(ЎзА мухбири).

• *Бизнинг суҳбат*

АЛПОМИШ ВА МАНАСДЕК ТЕРАН ҚАРДОШЛИК

1994 йилнинг дастлабки ойи Марказий Осиё давлатлари ва халқлари учун қутлуғ ва файзли келди. Шу ҳафтада Орол денгизи ҳавзаси муаммоларига бағишланган Марказий Осиё давлатлари бошлиқларининг II конференцияси мунтазам фикр алмашувнинг баркамол намойишига айланди. Унда Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон, Туркманистон, Ўзбекистон ва Россия Федерацияси раҳбарлари қатнашдилар. Бу анжуман ниҳоясига етиши билан яна бир қувончли воқеа арафасида турибмиз. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов давлат сафари билан Қирғизистон Республикасига бориши кутилмоқда. Бу икки мамлакат халқлари ўртасида яна бир тарихий воқеа юз беришидан далолатдир. Шу муносабат билан махсус мухбиримиз Қирғизистоннинг Ўзбекистондаги фавқулодда ва мухтор элчиси Солижон ЖИГИТОВ ҳузурида бўлди. Маълумки, Тошкентда Қирғизистон элчихонаси иш бошлаганига кўп вақт бўлмаган бўлса ҳам, икки мамлакат халқларининг эртанги порлоқ келажаги йўлида хайрли қадамлар қўйилиши бошланди.

— Ҳурматли Солижон Жигитович, Ўзбекистон Президентининг Сизнинг мамлакатингизга қиладиган сафари олдидан фикрларингизни газетхонлар билан баҳам кўрсангиз.

— Нукус учрашувида Ислом Каримов Марказий Осиё давлатларини бир чинорнинг бешта шохига қиёсий ифодалади. Жуда ҳам ҳаққоний ғўзал ўхшатиш. Бизлар ҳар биримиз чиндан ҳам Манас ёшидан улуғ рамзий бир чинорнинг чўнг шохларимиз. Бу рамзий чинор еримиз, сувимиз бир бўлган минтақамиз заминида қувват олиб, гуллаб-яшнайди. У узоқ асрлардан буён ям-яшил бўлиб турган экан, бундан буён ҳам шундай бўлиб қолади, салобати янада юксалади. Ўзбекистон Президентининг Қирғизистонга бўладиган сафари муносабати билан катта ва муносиб ҳозирлик кўрилмоқда. Бишкекда Ислом Каримовнинг жўшқин фаолиятини акс эттирувчи суратлар кўргазмаси очилади. Қирғизистонда сизнинг давлат бошлиғингизни жуда ҳам яхши ҳурмат қилишади. Чунки у киши икки халқнинг тинч-тотув яшаши йўлида бор куч—ғайратини аямаяпти. Қирғиз халқи бундан беҳад миннатдор.

Шунинг учун ҳам Қирғизистон «Руҳоният» маънавиятни тиклашга кўмаклашувчи халқаро ноҳукумат уюшмаси кенгаши Ислом Каримовни ўзининг «Халқлар ўртасида тинчлик ва тотувлик учун» мукофоти билан тақдирлади. Ўзбекистон раҳбари Марказий Осиё халқлари ўртасида яхши қўшничилик ўрнатишда катта ҳисса қўшгани учун шу юксак мукофотга сазовор бўлди. Мен дипломат-элчи сифатида чин қалбимдан у кишини бу олий мукофот билан муборакбод этаман. Сафар чоғида мукофот ўз соҳибига тантанали равишда топширилиши кўзда тутилмоқда.

— Муҳтарам элчи жаноблари, демак ана ўша кўҳна ва навқирон чинор баргидаги бизларнинг миллий урф—одатларимиз, байрамларимиз, тўйларимиз дастурхонида ўзбек ва қирғиз халқларининг яратувчилиги файзи билан ҳамиша фахрланамиз. Шундай эмасми?

— Еримиз туташ, тарихимиз бир, имонимиз, тўйимиз, рўзғоримиз бир бўлиб кетган. Икки халқ узоқ асрлардан буён бир-биридан баҳраманд бўлмоқда. Қирғиз ўчоғини ўзбекнинг «зангори олови»сиз тасаввур этиб бўлмайди. Биргина ўтган йили Ўзбекистондан 700 минг кубометрга яқинроқ газ олинди. Бу йил бу рақам 1 миллиард кубометрдан ортиши кутилмоқда. Ўз навбатида Қирғизистон эса Ўзбекистонга жун, гўшт, сариёғ етказиб берди. Мамлакатимнинг Майлисой шаҳрида электр лампочкалари чиқарадиган завод Ўзбекистонга ҳар йили 50—55 миллион дона лампочка етказиб бермоқда. Кенг кўламда иқтисодий ҳамкорлик қилишимиз учун талай имкониятлар бор. Ўзбекистонда енгил ва маҳаллий саноат яхши ривожланган. Биргина шу соҳада ҳамкорлик қилинса, қўшма корхоналар яратилса, бунинг учун Қирғизистонда етарли хом ашё — чарм, жун, чинни ва сопол буюмлари учун бисёр материаллар бор.

— Ўтган йилги иқтисодий ҳамкорликнинг кўлами қандай бўлган эди?

— Президент Ислом Каримов ўтган йилнинг ёзида Ўш вилоятида бўлган чоғида икки мамлакат иқтисодий алоқаларига доир тарихий шартнома имзоланган эди. Ўтган йилнинг иккинчи ярми учун АҚШ пулида 45 миллион долларлик атрофида иқтисодий ҳамкорлик амалга оширилди. Бу йил эса бу рақам икки баравар ортиши кўзда тутилмоқда. Икки мамлакат раҳбарларининг навбатдаги бу учрашувида ҳамкорликнинг бир қатор муҳим ҳужжатлари имзоланиши кўзда тутилган.

— Бизлар чиндан ҳам халқларимиз маданиятининг энг буюк дурдоналари бўлган «Алпомиш» ва «Манас» эпосларида тасвирланган ўша алп юракли боболарининг авлодларимиз...

— Жуда тўғри гапни айтдингиз. Қирғизистонда 600 минг ўзбек биродарларимиз яшайди, Ўзбекистонда эса 200 мингдан зиёд қирғиз истиқомат қилади. Мен мамлакатимда ўзбекларнинг турмуши яхши кечаётганлиги ҳақида жуда кўп мисоллар келтиришим мумкин. Ўзбекистонда фаолият бошлаганимга кўп вақт бўлмаса ҳам, қон-қардошлигимиз чинакам чандишиб кетганлигининг шоҳиди бўляпман. Бу ерда ишлаб турган Вилоятлараро қирғиз маданий маркази фаолиятини алоҳида мамнунлик билан айтиб ўтиш мумкин. Унга таниқли ўзбек олими ва айни чоғда Бишкек университетининг фахрий профессори Суюн Қораев раҳбарлик қилмоқда. Бу марказ ташаббуси билан ўтган йили Талас вилоятида бўлган қардошлик учрашувлари ҳар томонлама мазмунли бўлди. Унда қатнашган Жиззах вилояти вакиллари ажойиб ҳиммат кўрсатишди. Улар ғайрати билан «Манас» эпосининг бир минг йиллик тўйига атаб махсус ўзбекона чойхона бунёд этилмоқда. 1995 йилда нишонланадиган «Манас» тўйи ўзбек халқининг ҳам маънавий байрамларидан бирига айланади.

Қирғиз халқининг «Эски дўст эсдан чиқмас, янги дўст қадрингга етмас» деган ҳикматли мақоли бор. Демак азалий қон-қардош эканмиз, ўз-ўзидан маънавияти, маданияти бир—бирига сингишиб кетган халқларимиз.

Қирғизистоннинг Ўзбекистондаги элчиси сифатида истакларим шундан иборатки, келгусида икки мамлакат ўртасидаги ҳамма соҳадаги алоқаларимиз ривожланишига ишончим комил. Бунинг ёрқин йўл-йўриқлари ҳозирданоқ кўринмоқда.

Абдулла ПЎЛАТОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Янгиликлар Воқеалар Хабарлар

„БИЗ КИМ, МУЛКИ ТУРОН...“

ФОНДЛАР КЎПАЙМОҚДА

● БИШКЕК. Ҳозирги пайтда мамлакатда фаолият кўрсатаётган сиёсий партиялар, ҳаракатлар, миллий-маданий марказлар, уюшмалар, дўстлик жамиятлари, меҳр—шафқат фондлари ва бошқа идораларнинг сони 400 га яқинлашиб бормоқда. Бу ташкилотларнинг барчаси давлат рўйхатидан ўтказилган.

Уларнинг мақсад ва вазифалари турлича бўлса ҳам, ягона йўналиш—ташаббускорлик бирлаштирмоқда.

ТОЖИКИСТОН МИЛЛИЙ АРМИЯСИ ТУҒИЛЯПТИ

● ДУШАНБЕ. Тожикистон ҳукумати яқин вақтлар ичида ташқаридан кўрсатиладиган ёрдамга таянмаслиги мумкинми? Республика ҳарбий вазири Александр Шишлянниковга ана шу ҳақда савол берилди.

— Биз, — деб жавоб берди вазир, — бошқа республикалардан фарқли равишда Совет Иттифоқининг Қуролли кучларидан ҳеч қандай мерос олиб қолмаган эмасмиз. Тожикистон армиясини амалда яратиш йўқ нарсадан бошланмоқда. Биз Россия ҳарбийлари билан ҳамжиҳатликда Тожикистон Қуролли кучлари тузилишининг режаларини ишлаб чиқдик. Бу дастур 2000 йилгача мўлжалланган. Тожикистон чегара кучларини яратиш учун камида беш йил керак. Ҳозирча МДҲ тинчликсевар кучлари минтақада барқарорликнинг ягона кафолати бўлиб турибди.

ПАРТИЯ МАКТАБИ ЎРНИГА...

● БИШКЕК. Яқинда Бишкекда АҚШ элчихонаси журналистлар учун учрашув ўтказди.

Яқиндагина журналистларнинг обрўли мартабаларга кўтарилиши учун партия мактабида таълим олиш жуда ҳам зарур эди. Газета ёки телевидение ходими хорижий мамлакатларнинг радиолари овозини эшитиши ҳақида бирорта сигнал олингудек бўлса борми, вассалом, таржимаи ҳолини бузиб қўйган бўлар эди. Маҳаллий журналистлар «Америка овози» радиостанциясининг журналистларни тайёрлаш таълими дастурининг раҳбари билан учрашувига мутлақо бошқача ёндошилди. Меҳмон океан узра бориб, у ерда машҳур чет эл репортерларининг иш усулларини ўрганиш мумкинлиги ва бунинг учун қулай имконият яратилиши ҳақида ҳикоя қилиб берди. Шу йилнинг ўзида МДҲ давлатларининг истиқболли журналистлари билан амалий машғулотлар ўтказадилар.

«НУРСУЛТОН» БИР КЕЧА-КУНДУЗДА БЕШ МИНГ ДОЛЛАР ИШЛАМОҚДА

● АЛМАТИ. Қозоғистон денгиз флоти деб аталаётган янги ясама сўз эндиликда кенг мазмун касб этмоқда.

Қозоғистоннинг дастлабки океан кемалари ўзга сувларда биз учун ғаройиб туюладиган Кариб денгизидаги Сент-Винсент ва Гренада давлатларининг «Ансат» ва «Алматн» кемалари эса Панама байроқлари остида сузиб юрганлиги билан қувонилар эди. Бундан буён эса мамлакат кемалари жаҳон сувларида ўзининг ҳақиқий давлат байроғи остида сузиб юрибди. Қозоғистон денгиз флотини яратишнинг ташаббускорларидан бири «Ансат» фирмасининг раҳбарияти журналистлар учун ўтказган матбуот мажлисида тижорат флотининг истиқболлари ҳақида гапириб бердилар.

Денгиз тижорати бугунги кунда энг фойдали юмушлардан бири бўлиб қолди. Жануби—Шарқий Осиё сувларида сузиб юрган «Нурсултон» деб аталувчи юк ташиш кемаси ҳар кеча-кундузда ўз мамлакатига АҚШнинг пулида 5 минг доллардан даромад келтирмоқда. Бу рақам матбуот мажлисида маълумот сифатида келтирилди, Қозоғистоннинг учта денгиз кемаси салкам бир ой ичида 250 минг доллар соф даромад келтирди. «Нурсултон» кемасининг барча денгизчилари яқин хорижий мамлакатлардан танланган. «Ансат» ва «Алмати»нинг экипажлари эса узоқ хорижий эллар кишиларидир. «Ансат» фирмасининг иш бошлаши Қозоғистон денгиз флоти ва миллий денгизчиларининг шаклланишига муносиб асос солади.

(Марказий Осиё давлатлари ахборот агентликлари ва рўзномаларидан олинди).

Янгиликлар Воқеалар Хабарлар

ЎҚУВ ЯКУНЛАНДИ

Кеча Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши ўқув марказида бир гуруҳ туман ва шаҳар партия кенгашлари биринчи котибларининг бир ҳафталик семинар машғулотлари ниҳоясига етди.

Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши иккинчи котиби, фалсафа фанлари доктори А. Жалолов «Сиёсий партия ва давлат ҳокимияти: ўзаро муносабат муаммолари» мавзусида ҳамда Марказий Кенгаш котиби, ҳуқуқшунослик фанлари доктори А. Саидов «Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлисига сайловлар тўғрисида»ги қонун, «Ўзбекистон Конституцияси: Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг сайлов ислоҳотида иштирокининг ҳуқуқий асослари» мавзусида маъруза қилдилар. Республика Президенти И. А. Каримов олиб бораётган ислоҳотлар сиёсатини қўллаб-қувватлаш, кенг тарғиб этиш ҳамда уларни амалга оширишда Ўзбекистон ХДПнинг ўрни ва вазифалари хусусида алоҳида тўхталиб ўтдилар.

Ўзбекистон «Тадбиркор» банки раиси А. Юсупов, республика Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат солиқ Бош бошқармаси бошлиғи муовини А. Абдуқодиров, Ўзбекистон Президенти девонининг масъул ходими А. Йўлдошев, Ташқи иқтисодий алоқалар Миллий банки раиси Р. Азимов, Ўзбекистон Марказий банки раиси ўринбосари М. Нормуродов, республика Тадбиркорлар уюшмаси бош директори Т. Раҳимовлар тингловчилар ҳузурида сўзга чиқишди. Улар мамлакатимизда иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш, молия ва солиқ сиёсати, миллий валютани тўла жорий этиш, тадбиркорликни кенг йўлга қўйиш борасида қилинаётган ишлар ҳамда яқин келгусидаги вазифалар тўғрисида атрофлича гапириб бердилар.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг биринчи ўринбосари Т. Мирзаев, Ўзбекистон Олий Суди раиси муовини Б. Эшонов ва бошқалар республика ҳуқуқ-тартибот идоралари томонидан Ўзбекистонда ҳуқуқий давлат барпо этиш, ижтимоий ҳаётимизда қонун устиворлигини таъминлаш, ҳуқуқий тарбиянинг таъсирчанлигини ошириш ҳамда жиноятчиликка қарши кураш борасида олиб борилаётган ишлар ҳақида тингловчиларга сўзлаб беришди.

«Ўзбекистон овози» газетаси бош муҳаррири Азим Суюн ва «Голос Узбекистана» ҳафталиги бош муҳаррири О. Саидов ушбу рўзномалар таҳририятларининг фаолияти ҳақида гапирдилар.

Ўқув дастурига кўра тингловчилар Чирчиқ шаҳар партия кенгаши ҳамда пойабзал фабрикаси бошланғич партия ташкилоти, Тошкент шаҳар С. Раҳимов туман партия кенгаши иш тажрибаси ҳамда Ўрта Чирчиқ туманидаги Ким Пен Ҳва номли халқ корпорациясида иқтисодий ислоҳотларнинг амалга оширилиши жараёнлари билан яқиндан танишдилар.

Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши биринчи котиби М. Расулов шу куни машғулотларга якун ясади ҳамда тингловчиларнинг саволларига жавоб берди.

Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши Матбуот Маркази.

Ўзбекистон Республикасининг Қонуни

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИГА САЙЛОВ ТЎҒРИСИДА

I. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1-модда. Олий Мажлисга сайлов ўтказишнинг асосий принциплари

Олий Мажлис ҳудудий бир мандатли сайлов округлари бўйича кўп партиялилик асосида беш йил муддатга сайланадиган икки юз эллик нафар депутатдан иборат.

Олий Мажлис депутатлари умумий, тенг ва тўғридан-тўғри сайлов ҳуқуқи асосида яширин овоз бериш йўли билан сайланадилар.

2-модда. Умумий сайлов ҳуқуқи

Олий Мажлисга депутатлар сайлови умумийдир. Ўзбекистон Республикасининг сайлов кунигача 18 ёшга тўлган фуқаролари сайлаш ҳуқуқига эгадирлар.

Олий Мажлисга сайланиш ҳуқуқига сайлов кунигача 25 ёшга тўлган Ўзбекистон фуқаролари эгадирлар.

Суд томонидан муомалага лаёқатсиз деб топилган фуқаролар, шунингдек суд ҳукми билан озодликдан маҳрум этиш жойларида сақланаётган шахслар сайланиши мумкин эмас ва сайловда қатнашмайдилар.

Ўзбекистон Республикаси фуқароси бир вақтнинг ўзида ҳокимиятнинг иккитадан ортиқ вакиллик органининг депутати бўлиши мумкин эмас.

3-модда. Тенг сайлов ҳуқуқи

Ҳар бир фуқаро — сайловчи бир овозга эга.

Ўзбекистон Республикаси фуқаролари ижтимоий келиб чиқиши, ижтимоий ва мулкий мавқеи, ирқий ва миллий мансублиги, жинси, маълумоти, тили, динга муносабати, машғулотининг тури ва хусусиятидан қатъи назар тенг сайлов ҳуқуқига эгадирлар.

4-модда. Тўғридан-тўғри сайлов ҳуқуқи

Олий Мажлис депутатлари фуқаролар томонидан бевосита сайланадилар.

5-модда. Яширин овоз бериш

Олий Мажлис депутатлари сайловида эркин ва яширин овоз берилади. Овоз берувчиларнинг хоҳиш-иродаси назорат қилинишига йўл қўйилмайди.

6-модда. Сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишдаги ошкоралик

Олий Мажлис сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишни сайлов комиссиялари очиқ ва ошкора амалга оширадилар. Сайлов комиссиялари фуқароларни ўз ишларидан, сайлов участкалари тузилганлиги, сайлов комиссияларининг таркиби, комиссияларнинг жойлашган манзили ва иш вақтидан воқиф этадилар, сайловчиларнинг рўйхатлари, сайловда иштирок этаётган сиёсий партияларнинг рўйхати билан таништирадилар, депутатликка номзодлар хусусидаги маълумотлар, овоз бериш ва сайлов якунларидан хабардор қиладилар. Сайлов комиссияларининг мажлисларида, сайлов куни овоз бериш хоналарида ва овозларни санаш чоғида депутатликка номзодлар кўрсатган сиёсий партиялардан, ҳокимиятнинг вакиллик органларидан биттадан вакил (кузатувчи), матбуот, телевидение ва радио вакиллари, бошқа давлатлар, халқаро ташкилотлар ва ҳаракатлардан кузатувчилар ҳозир бўлиш ҳуқуқига эгадирлар. Уларнинг ваколатлари тегишли ҳужжатлар билан тасдиқланган бўлиши керак.

Депутатликка номзодлар кўрсатган сиёсий партиялар, ҳокимиятнинг вакиллик органлари ўз вакиллари тўғрисида округ сайлов комиссияларига сайловга кечи билан ўн беш кун қолганида маълум қиладилар.

Ўзбекистон Республикасининг оммавий ахборот воситалари сайловга тайёргарликнинг бориши ва сайлов қандай ўтаётганлигини ёритиб борадилар.

II. САЙЛОВ ОКРУГЛАРИ ВА САЙЛОВ УЧАСТКАЛАРИ

7-модда. Сайлов округларини тузиш

Олий Мажлисга сайлов ўтказиш учун икки юз эллик ҳудудий сайлов округи тузилади. Ҳар бир сайлов округидан битта депутат сайланади.

Олий Мажлисга депутатлар сайловини ўтказувчи сайлов округлари Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси Раисининг, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимларининг тақдимномасига биноан Марказий сайлов комиссияси томонидан тузилади. Сайлов округларининг чегаралари Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрининг маъмурий-ҳудудий тузилишини инобатга олган ҳолда белгиланади.

Сайлов округлари, қоида тариқасида, Ўзбекистон Республикасининг бутун ҳудудида сайловчилар сони тенг ҳолда тузилади. Ҳар бир сайлов учун сайлов округига тўғри келадиган сайловчилар нормаси Олий Мажлис томонидан белгиланади.

Марказий сайлов комиссияси сайлов округлари рўйхатини уларнинг чегаралари ва сайловчилар сонини кўрсатган ҳолда сайлов тайинланганидан кейин кечи билан ўн беш кун ичида эълон қилади.

8-модда. Сайлов участкалари тузиш тартиби ва нормаси

Сайлов участкалари туманлар, шаҳарлар, шаҳарлардаги туманларнинг чегараларини инобатга олган ҳолда, сайловчиларга мумкин қадар қўпроқ қулайлик яратиш мақсадида тузилади. Сайлов участкалари ҳарбий қисмларда ҳам тузилади ва қисм жойлашган жойдаги сайлов округига киради. Сайлов участкаларининг чегаралари тегишли сайлов округи доирасидан чиқиб кетмаслиги керак.

Ўзбекистон Республикасининг хорижий давлатлардаги ваколатхоналари ҳузурида, санаторийлар, дам олиш уйлари, касалхоналар ва бошқа стационар даволаш муассасаларида, олис ва бориш қийин бўлган ерлардаги фуқаролар турган жойларда сайлов участкалари тузилиши мумкин. Бу сайлов участкалари ўзлари жойлашган ердаги сайлов округларига киради. Ўзбекистондан ташқарида тузиладиган сайлов участкаларини қайси сайлов округига бириктиш тўғрисидаги масала Марказий сайлов комиссияси томонидан ҳал этилади.

Сайлов участкалари шаҳар, туман ҳокимларининг тақдимномасига биноан округ сайлов комиссиялари томонидан тузилади. Ҳарбий қисмларда сайлов участкалари қисмлар ёки ҳарбий қўшилмалар командирларининг тақдимномасига биноан округ сайлов комиссиялари томонидан тузилади. Ўзбекистон Республикасининг хорижий давлатлардаги ваколатхоналари ҳузурида сайлов участкалари Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигининг тақдимномасига биноан Марказий сайлов комиссияси томонидан тузилади.

Сайлов участкалари сайлов тайинланганидан кейин ўттиз кундан кечикмай тузилади. Ҳарбий қисмларда, Ўзбекистон Республикасининг хорижий давлатлардаги ваколатхоналари ҳузурида, шунингдек олис ва бориш қийин бўлган ерларда ҳам сайлов участкалари ана шу муддатда, айрим ҳолларда эса истисно тариқасида сайловга камида беш кун қолганида тузилади.

Сайлов участкалари, қоида тариқасида, камида 20 нафар ва кўпи билан 3000 нафар сайловчидан иборат этиб тузилади.

Овоз беришни ташкил этиш учун ҳар бир сайлов участкасига туман, шаҳар ҳокимлиги бино ажратади.

Округ сайлов комиссияси участка сайлов комиссиясининг ва овоз бериш биносининг манзилини кўрсатган ҳолда ҳар бир сайлов участкасининг чегаралари тўғрисида сайловчиларни хабардор этишни ташкил қилади.

III. САЙЛОВ КОМИССИЯЛАРИ

9-модда. Сайлов комиссиялари тизими

Олий Мажлисга сайловни ташкил этиш ва ўтказиш учун:

Олий Мажлисга сайлов ўтказувчи Марказий сайлов комиссияси;

Олий Мажлисга сайлов ўтказувчи округ сайлов комиссиялари;

участка сайлов комиссиялари тузилади.

10-модда. Марказий сайлов комиссиясини тузиш

Марказий сайлов комиссияси Олий Мажлис томонидан раис ва камида ўн тўрт нафар аъзодан иборат таркибда тузилади.

Марказий сайлов комиссияси таркибига Қорақалпоғистон Республикасидан, ҳар бир вилоятдан ва Тошкент шаҳридан вакиллар киритилади.

Комиссия раисининг ўринбосари ва комиссия котиби комиссиянинг биринчи мажлисида унинг аъзолари орасидан сайланади. Марказий сайлов комиссияси ўз таркиби, жойлашган манзили ва телефон рақамларига доир маълумотларни Ўзбекистон Республикасининг расмий матбуот органларида эълон қилади.

11-модда. Марказий сайлов комиссиясининг ваколатлари

Марказий сайлов комиссияси:

1) республиканинг бутун ҳудудида ушбу Қонуннинг ижросини назорат қилади ва унинг бир хил тарзда қўлланилишини таъминлайди, сайловни ташкил этишга доир масалалар юзасидан ўз ваколатлари доирасида йўриқномалар чиқаради ва изоҳлар бериб боради;

2) сайлов округлари тузади, уларга ном ва тартиб рақами беради;

3) округ сайлов комиссияларини тузади ва уларнинг жойлашган манзили тўғрисидаги маълумотларни эълон қилади;

4) сайлов комиссияларининг фаолиятини йўналтириб боради, уларнинг таркибига ўзгартишлар киритиш тартибини белгилайди, Олий Мажлисга сайлов ўтказувчи округ сайлов комиссияларининг қарорларини, башарти бу қарорлар ушбу Қонунга зид бўлса, мустақил тарзда ёки республика Бош прокуроринг тақдимномасига биноан бекор қилиши мумкин;

5) Ўзбекистон Республикасидан ташқарида тузиладиган сайлов участкаларини қайси сайлов округига бириктириш тўғрисидаги масалаларни ҳал этади;

6) депутатликка номзодлар кўрсатган сиёсий партиялар ва ҳокимият вакиллик органларининг тегишли ҳужжатларини қабул қилиб олади;

7) депутатликка номзодларни рўйхатга олади;

8) депутатликка номзодлар сайлов кампаниясида иштирок этишлари учун тенг шароитлар таъминлайди;

9) маблағларни сайлов комиссияларига тақсимлайди, сайлов комиссиялари бинолар, транспорт ва алоқа воситалари билан таъминланишини назорат қилади, сайловни моддий-техника жиҳатидан таъминлашга доир бошқа масалаларни кўриб чиқади;

10) Олий Мажлис депутатлари сайловига доир сайлов бюллетенларининг, сайловчилар рўйхатларининг, имзо варақаларининг, сайлов комиссиялари баённларининг, сайловларга доир бошқа ҳужжатларнинг намуна ва шаклларини, сайлов қутилари ва сайлов комиссиялари муҳрларининг намуналарини, сайловга доир ҳужжатларни сақлаш тартибини белгилайди;

11) Ўзбекистон Республикаси сиёсий партиялари, вазирликлари, давлат қўмиталари ва идоралари, давлат ҳокимияти маҳаллий органлари, давлатнинг бошқа органлари ва жамоат бирлашмалари органлари вакилларининг сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш билан боғлиқ масалалар юзасидан ахборотларини тинглайди;

12) сайловнинг республика бўйича умумий якунини чиқаради, сайланган депутатларни рўйхатга олади, Олий Мажлисга ўтказилган сайлов якунларига доир маълумотларни ва сайланган депутатларнинг рўйхатини матбуотда эълон қилади;

13) депутатларнинг ваколатларини текшириш учун зарур ҳужжатларни Олий Мажлиснинг мандат комиссиясига топширади;

14) сайлов комиссияларининг қарорлари ва хатти-ҳаракатлари устидан тушган ариза ҳамда шикоятларни кўриб чиқади ва улар юзасидан қарорлар қабул қилади;

15) Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисидаги Қонун жиноий жавобгарликка тортишга сабаб бўладиган тарзда бузилганлигига доир материалларни прокуратура органларига оширади;

16) сайловни ўтказиш ва уни ташкил этиш билан боғлиқ ҳужжатлар архивларга ўтказилишини таъминлайди;

17) ушбу Қонун ва Ўзбекистон Республикасининг бошқа қонунларига мувофиқ ўзга ваколатларни амалга оширади.

12-модда. Округ сайлов комиссиясини тузиш

Округ сайлов комиссияси сайлов тайинланганидан кейин Марказий сайлов комиссияси томонидан йигирма кундан кечикмай раис, раис ўринбосари, котиб ва яна камида 6 нафар аъзодан иборат таркибда тузилади.

13-модда. Округ сайлов комиссиясининг ваколатлари

Округ сайлов комиссияси:

1) сайлов округи ҳудудида ушбу Қонун ижросини назорат қилади;

2) сайлов участкалари тузади, округ бўйича уларнинг тартиб рақамини белгилайди, манзилини кўрсатган ҳолда уларнинг рўйхатини эълон қилади;

3) участка сайлов комиссияларининг фаолиятини мувофиқлаштириб боради;

4) маблағларни участка сайлов комиссиялари ўртасида тақсимлайди, участка сайлов комиссияларининг бинолар, транспорт, алоқа воситалари билан таъминланишини назорат қилади ва сайлов округида сайловни моддий-техника жиҳатидан таъминлашнинг бошқа масалаларини кўриб чиқади;

5) депутатликка номзодлар сайлов кампаниясида иштирок этишлари учун тенг шароит яратилишини таъминлайди;

6) Марказий сайлов комиссияси томонидан рўйхатга олинган депутатликка номзодлар тўғрисидаги маълумотларни эълон қилади ва бу номзодларга тегишли гувоҳномалар беради;

7) депутатликка номзодларнинг сайловчилар билан учрашувларини ташкил этишга кўмаклашади;

8) депутатликка номзодларнинг ишончли вакилларини рўйхатга олади ва уларга тегишли гувоҳномалар беради;

9) сиёсий партиялар, давлат ҳокимияти маҳаллий органлари вакилларининг, жамоат бирлашмалари, корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар раҳбарларининг сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш билан боғлиқ масалалар юзасидан ахборотларини тинглайди;

10) сайловчилар рўйхатлари тузилиши ва уларнинг ҳамма танишиб чиқиши учун тақдим этилишини кузатиб боради;

11) сайлов округи бўйича Марказий сайлов комиссияси тасдиқлаган намунага мувофиқ сайлов бюллетени матнини тасдиқлайди, бюллетенлар тайёрланиши ва участка сайлов комиссиялари улар билан таъминланишини ташкил этади;

12) сайлов округи бўйича сайлов натижаларини аниқлайди ва Марказий сайлов комиссиясига тақдим этади;

13) такрорий овоз бериш ва такрорий сайлов, шунингдек бўшаб қолган ўринларга депутатлар сайлови ўтказилишини ташкил этади;

14) участка сайлов комиссияларининг қарорлари ва хатти-ҳаракатлари устидан тушган ариза ҳамда шикоятларни кўриб чиқади ва улар юзасидан қарорлар қабул қилади;

15) ушбу Қонун ва Ўзбекистон Республикасининг бошқа қонунларига мувофиқ ўзга ваколатларни амалга оширади.

14-модда. Участка сайлов комиссиясини тузиш

Участка сайлов комиссиясини округ сайлов комиссияси тузади. Участка сайлов комиссияси сайлов тайинланганидан кейин эллик кундан кечикмай 5—19 нафар аъзодан, шу жумладан раис, раис ўринбосари ва котибдан иборат таркибда тузилади. Башарти комиссия 7 нафаргача аъзодан иборат таркибда тузилса, раис ва котиб сайланади.

Участка сайлов комисияси таркибининг сони зарур ҳолларда кўпайтирилиши ёки камайтирилиши мумкин.

Ўзбекистон Республикасининг хорижий давлатлардаги ваколатхоналари ҳузурида участка сайлов комиссияси раисининг вазифаларини идора раҳбари амалга оширади.

15-модда. Участка сайлов комиссиясининг ваколатлари

Участка сайлов комиссияси:

1) участка бўйича сайловчиларнинг рўйхатини тузади;

2) сайловчиларни сайловчилар рўйхати билан таништиради, рўйхатда йўл қўйилган хатолар ва ноаниқликлар тўғрисидаги аризаларни қабул қилади ва кўриб чиқади ҳамда рўйхатга тегишли ўзгартиришлар киритиш тўғрисидаги масалани ҳал этади;

3) сайлов куни ўз турар жойида бўлиш ва овоз беришда иштирок этиш имкониятига эга бўлмаган сайловчилардан сайлов конвертларини қабул қилиб олади;

4) аҳолини сайлов куни ва овоз бериш жойи тўғрисида хабардор этади;

5) овоз бериш бинолари ва сайлов қутилари ҳамда бошқа сайлов ашёлари тайёрлаб қўйилишини таъминлайди;

6) сайлов куни сайлов участкасида овоз беришни ташкил этади;

7) сайлов участкасида берилган овозларни ҳисоблаб чиқади;

8) сайловга тайёргарлик кўриш ва овоз беришни ташкил этиш масалалари юзасидан тушган ариза ва шикоятларни кўриб чиқади ҳамда улар юзасидан қарорлар қабул қилади;

9) ушбу Қонун ва Ўзбекистон Республикасининг бошқа қонунларига мувофиқ ўзга ваколатларни амалга оширади.

16-модда. Сайлов комиссияларига аъзолик

Комиссиянинг аъзоси шахсан берган аризасига мувофиқ, шунингдек, ваколатларидан маҳрум этилгани тақдирда ўз вазифасини бажаришдан озод қилиниши мумкин.

Комиссия аъзосини ваколатларидан маҳрум этиш ҳуқуқи комиссияни тузган органга тегишли бўлиб, комиссия аъзоси ушбу Қонун талабларини бузгани ёки ўз вазифаларини мунтазам равишда эътиборсиз қолдириб келгани тақдирда ўз ваколатларидан маҳрум этилади.

Зарурат бўлганда сайлов комиссиясининг янги аъзоси ушбу Қонунда белгиланган тартибда тайинланади.

Сайлов комиссиясининг раиси, раис ўринбосари, котиби ва бошқа аъзолари сиёсий партиянинг аъзоси бўлишлари мумкин эмас. Олий Мажлис депутатлигига номзодлар сайлов комиссиясига аъзо бўлишлари мумкин эмас.

Бир шахс фақат битта сайлов комиссиясига аъзо бўлиши мумкин.

17-модда. Сайлов комиссияларининг ишини ташкил этиш ва уларнинг ваколат муддати

Башарти сайлов комиссиясининг мажлисида шу кунги комиссия таркибининг камида учдан икки қисми иштирок этса, мажлис ваколатли ҳисобланади. Комиссия қарори очиқ овоз бериш орқали комиссия умумий таркибининг кўпчилик овози билан қабул қилинади. Қарорга рози бўлмаган комиссия аъзолари ўзларининг алоҳида фикрларини баён этишга ҳақлидирлар, бу фикр ёзма шаклда баённа илова қилинади. Агар овозлар тенг бўлиниб қолса, раислик қилувчининг овози ҳал қилувчи кучга эга бўлади.

Сайлов комиссиясининг ўз ваколатлари доирасида қабул қилган қарори қўйи сайлов комиссиялари, шунингдек барча давлат органлари, сиёсий партиялар ва бошқа жамоат бирлашмалари, меҳнат жамоалари ва ҳарбий қисмларнинг, корхона, муассаса ва ташкилотлар раҳбарларининг ижроси учун мажбурийдир.

Сайлов комиссиясининг раиси, раис ўринбосари, котиби ёки бошқа аъзоларидан бири комиссиянинг қарорига биноан сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш даврида ишлаб чиқариш ёки хизмат вазифаларини бажаришдан озод қилиниши мумкин. Бунда сайловни ўтказиш учун ажратиладиган маблағлар ҳисобидан унинг ўртача ойлик иш ҳақи сақлаб қолинади.

IV. САЙЛОВНИ ТАЙИНЛАШ, ОЛИЙ МАЖЛИС ДЕПУТАТЛИГИГА НОМЗОДЛАР КЎРСАТИШ ВА УЛАРНИ РЎЙХАТГА ОЛИШ

19-модда. Олий Мажлис депутатлари сайловини тайинлаш

Депутатлар сайлови аввалги чақириқ Олий Мажлис депутатларининг ваколат муддати тугашига кечи билан уч ой қолганида Олий Мажлис томонидан тайинланади.

Сайлов тайинланганидан кейин кечи билан уч кун ичида сайлов куни тўғрисида матбуотда ва бошқа оммавий ахборот воситаларида маълум қилинади.

20-модда. Олий Мажлис депутатлигига номзодлар кўрсатиш ҳуқуқи

Олий Мажлис депутатлигига номзодлар кўрсатиш ҳуқуқига сиёсий партиялар, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашлари эгадирлар.

Сиёсий партия сайлов тайинланган кундан камида олти ой олдин Адлия вазирлиги томонидан рўйхатга олинган, сайловда иштирок этишини қўллаб-қувватловчи камида эллик минг сайловчининг имзосини тўплаган тақдирдагина у Олий Мажлис депутатлигига номзодлар кўрсатиши мумкин. Маъмурий-ҳудудий тузилмалардан бирида (Қорақалпоғистон Республикаси, вилоят, Тошкент шаҳри) сиёсий партия эллик минг сайловчининг кўпи билан ўн фоизи имзосини тўплаши мумкин.

Имзо варақаларида имзолар сохталаштирилган тақдирда Марказий сайлов комиссияси сиёсий партиянинг сайловда қатнашиш ҳуқуқини рад этади.

21-модда. Сайловда иштирок этиш учун сиёсий партиялар тақдим этадиган ҳужжатлар

Олий Мажлис депутатлигига номзодлар кўрсатиш учун сиёсий партия сайлов тайинланганидан кейин йигирма кун ичида Марказий сайлов комиссиясига қуйидаги ҳужжатларни тақдим этиши лозим:

партия раҳбари томонидан имзоланган сайловда қатнашиш тўғрисидаги ариза;

Адлия вазирлигининг сиёсий партия сайлов тайинланган кундан камида олти ой олдин рўйхатга олинганлигини тасдиқловчи маълумотномаси;

имзо варақалари.

Мазкур ҳужжатлар тақдим этилганидан кейин Марказий сайлов комиссияси сиёсий партия вакилига ариза қабул қилинган кун қайд этилган маълумотнома беради. Марказий сайлов комиссияси тақдим этилган ҳужжатлар асосида беш кунлик муддат ичида сиёсий партиянинг сайловда қатнашишига ижозат бериш тўғрисида узил-кесил қарор қабул қилади. Сайловда иштирок этувчи партияларнинг рўйхати аризалар келиб тушиш тартибига қараб республика матбуотида эълон қилинади.

22-модда. Олий Мажлис депутатлигига номзодлар кўрсатиш тартиби

Олий Мажлис депутатлигига номзодлар кўрсатиш сайлов куни тайинланганидан кейин йигирма бешинчи кундан эътиборан бошланади ва сайловга қирқ беш кун қолганида тўхтатилади.

Олий Мажлис депутатлигига номзодлар сиёсий партияларнинг юқори органлари томонидан ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашлари сессияларида кўрсатилади.

Сиёсий партиялар депутатликка икки юз эллик нафар номзод, яъни ҳар бир сайлов округидан биттадан депутатликка номзод кўрсатишга ҳуқуқлидирлар. Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашлари тегишли ҳудудда жойлашган ҳар бир сайлов округида биттадан депутатликка номзод кўрсатишга ҳуқуқлидирлар. Бир шахс фақат битта округдан депутатликка номзод этиб кўрсатилиши мумкин. Депутатликка номзод танлаш тартибини сиёсий партиялар ва ҳокимият вакиллик органларининг ўзлари ҳал этадилар.

Сиёсий партиялар фақат ўз партияси аъзоларини ёки партиясизларни, ҳокимиятнинг вакиллик органлари эса шахсларни у ёки бу партияга мансублигидан қатъи назар, депутатликка номзод этиб кўрсатишга ҳуқуқлидир. Депутатликка номзодлар кўрсатиш тўғрисида баён тузилади.

Сиёсий партиянинг ҳокимият вакиллик органининг раҳбари депутатликка номзодларни рўйхатга олиш илтимоси баён этилган ариза билан Марказий сайлов комиссиясига мурожаат қилади. Аризага қуйидагилар илова қилинади:

сиёсий партия юқори органининг, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашларининг Олий Мажлис депутатлигига номзодлар кўрсатиш тўғрисидаги қарори;

сиёсий партия юқори органининг, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашлари сессиясининг Олий Мажлис депутатлигига номзодлар кўрсатиш тўғрисидаги баёни, унда депутатликка номзоднинг фамилияси, исми, отасининг исми, туғилган санаси, касби, лавозими (машғулотининг тури), иш ва яшаш жойи, партияга мансублиги, шунингдек сайлов округининг номи ва тартиб рақами кўрсатилади;

депутатликка номзоднинг тегишли сайлов округидан номзоди овозга қўйилишига рози эканлиги тўғрисидаги аризаси;

ушбу Қонун 23-моддасининг олтинчи қисмида қайд этиб ўтилган шахслар учун, улар Олий Мажлис депутати этиб сайлангудек бўлсалар, эгаллаб турган лавозимларидан бўшаш тўғрисидаги аризалари.

Ҳужжатларни тақдим этган шахса Марказий сайлов комиссияси ҳужжатлар қабул қилиб олинган сана ва вақт кўрсатилган маълумотнома беради.

Марказий сайлов комиссияси етти кунлик муддат ичида тақдим этилган ҳужжатларни текшириб чиқади ва уларнинг ушбу Қонун талабларига мувофиқлиги тўғрисида ўз хулосасини беради.

Марказий сайлов комиссияси рўйхатга олиш учун тақдим этилган ҳужжатларда аниқланган номувофиқликлар ва ушбу Қонун талабларидан четга чиқиш ҳоллари тўғрисида бу ҳужжатларни тақдим этган сиёсий партияларнинг ва ҳокимият вакиллик органларининг раҳбарларини белгиланган тартибда хабардор этади.

23-модда. Олий Мажлис депутатлигига номзодларга қўйиладиган талаблар

Қуйидагилар:

судланганлиги Қонунда белгиланган тартибда бекор қилинмаган ёки олиб ташланмаган фуқаролар;

сайлов тайинланган кунга қадар сўнгги беш йил мобайнида Ўзбекистон Республикаси ҳудудида доимий яшамаган фуқаролар;

Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг ҳарбий хизматчилари, Миллий хавфсизлик хизмати, Ички ишлар вазирлиги ва бошқа ҳарбийлаштирилган бўлинмаларнинг ходимлари;

диний ташкилотлар ва бирлашмаларнинг профессионал хизматчилари Олий Мажлис депутатлигига номзод этиб рўйхатга олинмайдилар.

Ҳукумат аъзолари, судьялар, Бош прокурор ва прокуратура органларининг мансабдор шахслари, вазирликлар, идоралар раҳбарлари ва уларнинг ўринбосарлари, ҳокимият ижроия органларининг мансабдор шахслари (вилоятлар, туманлар ва шаҳарларнинг ҳокимларидан ташқари) депутат этиб сайлангудек бўлсалар, эгаллаб турган лавозимларидан бўшаш тўғрисида ариза берганлари тақдирдагина Олий Мажлис депутатлигига номзод этиб рўйхатга олинадилар.

24-модда. Олий Мажлис депутатлигига номзодларни рўйхатга олиш

Марказий сайлов комиссияси сиёсий партиялар ва ҳокимият вакиллик органларидан Олий Мажлис депутатлигига номзодларни рўйхатга олиш учун ҳужжатларни қабул қилишни рўйхатга олиш муддати тугашига етти кун қолганида тўхтатади.

Ушбу Қонунга мувофиқ депутатликка номзод этиб кўрсатилган шахсга рўйхатга олинганлик гувоҳномаси берилади.

Депутатликка номзодларни рўйхатга олиш сайловга ўттиз беш кун қолганида тўхтатилади.

Тегишли округ сайлов комиссияси депутатликка номзодлар Марказий сайлов комиссияси томонидан рўйхатга олинганидан кейин беш кун ичида депутатликка номзоднинг фамилиясини, исми ва отасининг исмини, туғилган йилини, партияга мансублигини, эгаллаб турган лавозимини, иш ва турар жойини, шунингдек уни депутатликка номзод этиб кўрсатган органнинг номини қайд этган ҳолда рўйхатга олинганлик тўғрисидаги хабарни маҳаллий матбуотда эълон қилади.

V. САЙЛОВОЛДИ ТАШВИҚОТИ. ОЛИЙ МАЖЛИС ДЕПУТАТЛИГИГА НОМЗОДЛАР ФАОЛИЯТИНИНГ ҚАФОЛАТЛАРИ

25-модда. Сайловолди ташвиқоти

Сайловолди ташвиқоти депутатликка номзодлар Марказий сайлов комиссияси томонидан рўйхатга олинган кундан эътиборан бошланади.

Депутатликка номзодларга оммавий ахборот воситаларидан фойдаланишда, ўз сайловчилари билан ҳам йиғилишларда, ҳам сайловчилар учун қулай бўлган бошқа шаклда учрашувлар ўтказишда тенг ҳуқуқлар берилади. Сайловчиларнинг йиғилишлари участка сайлов комиссияси томонидан туман, шаҳар ҳокимлиги билан биргаликда ташкил этилади. Сайлов комиссиялари, туманлар ва шаҳарларнинг ҳокимликлари Олий Мажлис депутатлигига номзодларга йиғилишлар ўтказиш учун жиҳозланган бинолар ажратадилар. Йиғилишлар ва учрашувлар ўтказиладиган вақт ва жой сайловчиларга барвақт хабар қилинади.

Давлат органлари, жамоат бирлашмалари, корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг раҳбарлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари депутатликка номзодларга сайловчилар билан учрашувлар ўтказишни ташкил этишда, зарур маълумот ва ахборот материаллари олишда ёрдам кўрсатишлари шарт.

Сиёсий партияларга ўзининг келгуси фаолият дастури билан чиқиш ҳуқуқи берилади. Партиялар ва депутатликка номзодларнинг дастурлари республиканинг суверенитети, яхлитлиги ва хавфсизлигига қарши қаратилган бўлмаслиги, халқнинг соғлиғи ва маънавиятига тажовуз қилмаслиги, унда уруш, миллий адоват, ирқий ва диний ҳусумат тарғиботи, конституциявий тузумни зўрлик билан ўзгартиришга, фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқлари ва эркинликларини камситувчи хатти-ҳаракатларга даъват бўлмаслиги керак.

Сайлов куни ташвиқот юритишга йўл қўйилмайди.

26-модда. Ишончли вакиллар

Олий Мажлис депутатлигига номзод беш нафарга қадар ишончли вакилга эга бўлиши мумкин. Ишончли вакиллар номзод депутат этиб сайланиши учун ташвиқот юритадилар, давлат органлари ва жамоат бирлашмаларининг органлари, сайловчилар билан ўзаро муносабатларда, шунингдек сайлов комиссияларида номзоднинг манфаатларини ҳимоя қиладилар.

Депутатликка номзод рўйхатга олингандан кейин ўз ишончли вакилларини ўзи белгилайди ва бу ҳақда округ сайлов комиссиясига маълум қилади. Сайлов комиссияси ишончли вакилларни рўйхатга олиб, уларга гувоҳнома беради.

Олий Мажлис депутатлигига номзод округ сайлов комиссиясига маълум қилган ҳолда сайловга қадар ўз ишончли вакилини истаган вақтида ваколатидан маҳрум қилиши ва уни бошқаси билан алмаштириши мумкин. Ишончли вакил истаган вақтида ўз ваколатларини зиммасидан соқит қилишга ҳақли.

Ишончли вакил сайлов комиссиясининг аъзоси бўлиши мумкин эмас.

27-модда. Олий Мажлис депутатлигига номзодларни сайловолди тадбирларида иштирок этишлари учун ишлаб чиқариш ёки хизмат вазифаларидан озод қилиш

Олий Мажлис депутатлигига номзод қилиб рўйхатга олинган шахс сайловчилар билан учрашувлар ўтказиш, сайловолди йиғилишларида сўзга чиқиш, телевидение кўрсатувларида ва радио эшиттиришларида қатнашиш вақтида сайловни ўтказиш учун ажратиладиган маблағлар ҳисобидан ўртача ойлик иш ҳақи сақланган ҳолда, ишлаб чиқариш ёки хизмат вазифаларини бажаришдан озод бўлиш ҳуқуқига эга.

(Давоми учинчи бетда).

Ўзбекистон Республикасининг Қонуни

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИГА САЙЛОВ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Боши иккинчи бетда).

28-модда. Олий Мажлис депутатлигига номзоднинг транспортда текинга юриш ҳуқуқи

Олий Мажлис депутатлигига номзод рўйхатга олинганидан кейин тегишли сайлов округи доирасида давлат пассажир транспортининг барча турларида (таксидан ва транспорт бошқа турларининг буюртма йўналишларидан ташқари) текинга юриш ҳуқуқига эга бўлади. Сайлов округидан ташқарида яшовчи депутатликка номзод ҳам сайлов округига келиш ва ундан турар жойига қайтишда ана шундай ҳуқуқдан фойдаланади.

29-модда. Олий Мажлис депутатлигига номзодлик мақомидан маҳрум этиш, Депутатликка номзодликдан воз кечиш

Сиёсий партия, ҳокимият вакиллик органи сайловга қадар истаган вақтида ўз ёки бу шахсни депутатликка номзод этиб кўрсатиш тўғрисидаги ўз қарорини бекор қилиш ҳуқуқига эга. Бундай шахс Марказий сайлов комиссияси томонидан депутатликка номзодлик мақомидан маҳрум этилади. Сиёсий партия, ҳокимият вакиллик органи номзодлар кўрсатиш муддати тугагунига қадар Марказий сайлов комиссиясига янги номзодларни рўйхатга олиш тўғрисида таклиф киритиши мумкин.

Рўйхатга олинган депутатликка номзодлар уларни Олий Мажлис депутатлигига номзод этиб кўрсатган партия ўз фаолиятини тўхтатган тақдирда ҳам депутатликка номзодлик мақомидан маҳрум бўладилар.

Олий Мажлис депутатлигига номзод сайловга қадар истаган вақтида номзодликдан воз кечиши мумкин. Бунинг учун у Марказий сайлов комиссиясига ариза билан мурожаат қилади.

VI. САЙЛОВЧИЛАРНИНГ РЎЙХАТЛАРИ, САЙЛОВ БЮЛЛЕТЕНИ

30-модда. Сайловчиларнинг рўйхатларини тузиш

Сайлов кунига қадар ёки сайлов кунида 18 ёшга тўладиган, рўйхат тузилаётган вақтда мазкур сайлов участкаси ҳудудида доимий ёки вақтинча истиқомат қилиб келаётган Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг фамилиялари сайловчилар рўйхатига киритилади.

Ҳар бир сайловчи фақат битта сайловчилар рўйхатига киритилиши мумкин.

Сайловчилар рўйхати ҳар бир сайлов участкаси бўйича участка сайлов комиссияси томонидан тузилади ва уни комиссия раиси билан котиби имзолайди. Участка сайлов комиссияси сайловчилар рўйхатини тузиш ишида қатнашишга жамоатчилик вакилларини жалб этиши мумкин.

Туманлар ва шаҳарларнинг ҳокимликлари сайловчиларни ҳисобга олишни таъминлайдилар ва участка сайлов комиссияларига тегишли ҳудудда истиқомат қилувчи сайловчилар тўғрисида сайловчилар рўйхатини тузиш учун зарур маълумотларни берадилар.

Ҳарбий қисмлардаги ҳарбий хизматчи-сайловчиларнинг, ҳарбий хизматчилар оила аъзолари ва бошқа сайловчиларнинг, башарти улар ҳарбий қисмлар жойлашган ерда истиқомат қилсалар, рўйхатлари ҳам ҳарбий қисмларнинг командирлари тақдим этган маълумотлар асосида тузилади. Ҳарбий қисмлардан ташқарида истиқомат қилувчи ҳарбий хизматчилар ўзларининг турар жойлари бўйича умумий асосларда сайловчилар рўйхатига киритиладилар.

Ўзбекистон Республикасининг хорижий давлатлардаги ваколатхоналари ҳузурида, санаторийлар ва дам олиш уйларида, касалхоналар ва бошқа стационар даволаш муассасаларида тузилган сайлов участкалари бўйича сайловчиларнинг рўйхатлари мазкур муассасалар (идоралар) раҳбарларининг тақдим этган маълумотлари асосида тузилади.

Сайловчиларнинг фамилиялари сайловчилар рўйхатларида овоз беришни ташкил этиш учун қулай бўлган тартибда кўрсатилади.

Рўйхатда ҳар бир сайловчининг фамилияси, исми, отасининг исми, туғилган санаси ва манзили акс эттирилади.

31-модда. Фуқароларни сайловчилар рўйхатлари билан таништириш

Сайловчиларнинг рўйхатлари сайловга ўн беш кун қолганида, Ўзбекистон Республикасининг хорижий давлатлардаги ваколатхоналари ҳузурида, санаторийлар ва дам олиш уйларида, касалхоналар ва бошқа стационар даволаш муассасаларида, олис ва бориш қийин бўлган жойларда тузилган сайловчиларга эса сайловга етти кун қолганида ҳамма танишиши учун тақдим қилинади. Участка сайлов комиссияси рўйхат билан танишиш жойи ва вақти тўғрисида сайловчиларни хабардор этади.

Фуқароларга участка сайлов комиссияси биносида сайловчилар рўйхати билан танишиш имконияти таъминланади.

32-модда. Сайловчилар рўйхатлари хусусида баҳслашув

Ўзбекистон Республикасининг ҳар бир фуқароси сайловчилар рўйхатидаги хато ёки ноаниқлик тўғрисида участка сайлов комиссиясига арз қилиши мумкин. Участка сайлов комиссияси йигирма тўрт соат ичида бундай аризани кўриб чиқиши ва хатони тузатиши ёки аризачига унинг аризаси рад этилишининг асослари кўрсатилган ҳолда маълумотнома бериши шарт.

Сайлов комиссиясининг хатти-ҳаракати ва қарори устидан қонунда белгиланган тартибда судга шикоят қилиниши мумкин.

33-модда. Сайлов бюллетени

Сайлов бюллетенига депутатликка номзоднинг фамилияси, исми, отасининг исми алифбо тартибида киритилиб, унинг туғилган йили, партияга мансублиги, эгаллаган лавозими (машғулотининг тури) ва уни депутатликка номзод этиб кўрсатган органнинг номи кўрсатилади.

Сайлов бюллетенлари давлат тилида, шунингдек округ сайлов комиссиясининг қарорига биноан сайлов округи аҳолисининг кўпчилиги муомала қиладиган тилларда нашр этилади.

34-модда. Сайлов бюллетенларини етказиб бериш

Участка сайлов комиссиялари сайлов бюллетенларини округ сайлов комиссияларидан сайловга камида уч кун қолганида оладилар. Сайлов бюллетенлари берилганлиги ва олинганлигини тегишли округ ва участка сайлов комиссияларининг раиси ёки раис ўринбосари ёхуд котиби ўз имзоси билан тасдиқлайдилар.

VII. ОВОЗ БЕРИШ ВА САЙЛОВ НАТИЖАЛАРИНИ АНИҚЛАШ

35-модда. Овоз бериш биноси

Овоз бериш махсус ажратилган биноларда ўтказилиб, бу биноларда яширин овоз бериш учун етарли миқдорда кабиналар ёки хоналар тайёрланган бўлиши, сайлов бюллетенлари бериш учун жой ажратилган ва сайлов қутилари қўйилган бўлиши лозим. Сайлов қутилари уларнинг ёнига овоз берувчилар албатта яширин овоз бериш кабиналари ёки хоналаридан ўтиб борадиган қилиб жойлаштирилади. Овоз бериш биносида бошқа ҳеч қандай сиёсий тадбир ўтказилишига рухсат этилмайди. Бинони жиҳозлаш ва унда зарур тартибни сақлаб туриш масъулияти участка сайлов комиссияси зиммасида бўлади.

36-модда. Овоз бериш вақти ва жойи

Овоз бериш сайлов куни соат 7 дан соат 20 гача ўтказилади. Овоз бериш вақти ва жойи тўғрисида участка сайлов комиссияси сайловга камида ўн кун қолганида сайловчиларни хабардор қилади.

Ўзбекистон Республикасининг хорижий давлатлардаги ваколатхоналари ҳузурида, ҳарбий қисмларда, санаторийларда, дам олиш уйларида, касалхоналар ва бошқа стационар даволаш муассасаларида, шунингдек олис ва бориш қийин бўлган ерлардаги фуқаролар турган жойларда тузилган сайлов участкаларида, башарти рўйхатга киритилган барча сайловчилар овоз бериб бўлган бўлса, участка сайлов комиссияси исталган вақтда овоз бериш тугаганлигини эълон қилиши мумкин.

37-модда. Овоз беришнинг бошланиши

Сайлов куни овоз бериш биноси участка сайлов комиссияси аъзоларининг камида учдан икки қисми ҳозир бўлгандагина очилади. Сайлов комиссиясининг раиси комиссия аъзолари ҳозирлигида сайлов қутисини муҳрлайди, сайлов бюллетенлари ва сайловчиларнинг рўйхатларини комиссия аъзолари ўртасида тақсимлайди ҳамда сайлов бошланганлигини эълон қилади. Сайлов бюллетенларининг умумий сони алоҳида ҳужжат билан расмийлаштирилади.

38-модда. Сайловчининг шахсини аниқлаш

Овоз бериш биносига келгач, сайловчи участка сайлов комиссиясининг аъзосига ўз шахсини тасдиқловчи ҳужжатни кўрсатади ҳамда сайловчилар рўйхатига имзо қўяди. Шундан кейин унга сайлов бюллетени берилади.

Бирор-бир сабабга кўра сайловчилар рўйхатига фамилиялари кирмай қолган сайловчиларнинг фамилиялари сайловчининг шахси, фуқаролиги ва турар жойини тасдиқловчи ҳужжатга асосан сайловчилар рўйхати иловасига киритилади.

39-модда. Овоз бериш тартиби

Сайлов бюллетени овоз берувчи томонидан яширин овоз бериш кабинаси ёки хонасида тўлдирилади. Сайлов бюллетенини тўлдириш вақтида овоз берувчидан бошқа шахсларнинг ҳозир бўлиши тақиқланади. Сайлов бюллетенини мустақил равишда тўлдириш имконига эга бўлмаган сайловчи ўз хоҳишига кўра, сайлов комиссияси таркибига кирмаган шахсни кабина ёки хонага таклиф қилишга ҳақлидир.

Сайловда сайловчи ўзи қарши овоз бераётган номзодларнинг сайлов бюллетенидаги фамилияларини ўчиради.

Тўлдирилган бюллетенни овоз берувчи сайлов қутисига ташлайди.

Бузиб қўйилган сайлов бюллетени сайловчининг илтимосига кўра янгиси билан алмаштирилиши мумкин. Бузиб қўйилган сайлов бюллетенлари ҳисобга олиниши, бекор қилиниши ва алоҳида сақланиши лозим.

Сайлов куни ўз турар жойида бўлиш имкониятига эга бўлмаган сайловчи ўз турар жойидаги участка сайлов комиссиясидан сайлов варақасини талаб қилиб, бир қарорга келгач, тўлдирилган сайлов варақасини конвертга солиб, уни ёпиқ ҳолда участка комиссиясида қолдириши мумкин. Сайловчи сайлов варақасини олганлиги ҳақида сайловчилар рўйхатига имзо қўяди. Сайлов варақасининг шакли Марказий сайлов комиссияси томонидан белгиланади.

Айрим сайловчилар саломатлигининг яхши эмаслиги ёки бошқа сабабларга кўра овоз бериш биносига кела олмаганлари тақдирда, уларнинг илтимосига кўра участка сайлов комиссияси комиссия аъзоларига овоз беришни ана шу сайловчилар турган жойда ташкил этишни топширади.

40-модда. Сайлов участкасида овозларни санаб чиқиш

Овоз бериш тугагач, сайлов қутиларини очишдан олдин участка сайлов комиссиясининг аъзолари иштирокида сайлов варақалари солинган ёпиқ конвертлар қутиларга ташланади. Фойдаланилмаган барча сайлов бюллетенлари участка сайлов комиссияси томонидан санаб чиқилади ва бекор қилинади.

Сайлов қутилари участка сайлов комиссиясининг раиси овоз бериш тугаганини эълон қилганидан кейин участка сайлов комиссияси томонидан очилади. Овоз бериш тугагунига қадар сайлов қутиларини очиш тақиқланади.

Участка сайлов комиссияси участкадаги сайловчиларнинг умумий сонини, сайлов бюллетени олган сайловчиларнинг сонини аниқлайди.

Участка сайлов комиссияси сайлов участкасида ҳар бир номзод бўйича берилган овозларни алоҳида-алоҳида санаб чиқади.

Сайлов қутиларидаги бюллетенлар ва сайлов варақаларига асосан комиссия:

овоз беришда иштирок этган сайловчиларнинг умумий сонини;

ҳар бир депутатликка номзодни ёқлаб ва унга қарши берилган овозлар сонини;

ҳақиқий эмас деб топилган бюллетенлар, сайлов варақалари сонини аниқлайди.

Сайловчилар томонидан бюллетенларга ва сайлов варақаларига қўшимча тарзда ёзилган фуқароларнинг фамилиялари бўйича берилган овозлар ҳисобга олинмайди.

Белгиланмаган намунадаги сайлов бюллетенлари ва варақалари, шунингдек овоз бериш чоғида биттадан ортиқ номзоднинг фамилияси қолдирилган сайлов бюллетенлари ва варақалари ҳақиқий эмас деб топилади. Сайлов бюллетени ёки варақасининг ҳақиқийлиги шубҳа туғдирса, масала участка сайлов комиссияси томонидан овозга қўйиш орқали ҳал этилади.

Овозларни санаб чиқиш натижалари участка сайлов комиссиясининг мажлисида қараб чиқилиб, баённда акс эттирилади. Баён раис, раис ўринбосари, комиссия котиби, комиссиянинг бошқа аъзолари томонидан имзоланади ва белгиланган тартибда тегишли округ сайлов комиссиясига тақдим этилади.

41-модда. Округ бўйича сайлов натижаларини аниқлаш

Участка сайлов комиссияларининг баённлари асосида округ сайлов комиссияси:

округ бўйича сайловчиларнинг умумий сонини;

сайлов бюллетенлари ва варақалари олган сайловчиларнинг сонини;

овоз беришда иштирок этган сайловчиларнинг сонини;

ҳар бир депутатликка номзодни ёқлаб ва унга қарши берилган овозлар сонини;

ҳақиқий эмас деб топилган сайлов бюллетенлари ва варақалари сонини аниқлайди.

Округ бўйича сайлов натижалари сайлов комиссияси мажлисида аниқланиб, баённда акс эттирилади. Баён раис, раис ўринбосари, комиссия котиби, комиссиянинг бошқа аъзолари томонидан имзоланиб, белгиланган тартибда Марказий сайлов комиссиясига тақдим этилади.

42-модда. Олий Мажлисга депутатлар сайловининг натижаларини аниқлаш

Олий Мажлисга депутатлар сайловини ўтказувчи Марказий сайлов комиссияси округ сайлов комиссияларидан олинган баённлар асосида:

республика бўйича сайловчиларнинг умумий сонини;

сайлов бюллетенлари ва варақалари олган сайловчиларнинг сонини:

овоз беришда иштирок этган сайловчиларнинг сонини;

ҳар бир депутатликка номзодни ёқлаб ва унга қарши берилган овозларнинг сонини;

депутатликка номзодлар кўрсатган ҳар бир сиёсий партияни ёқлаб берилган овозларнинг умумий сонини;

ҳақиқий эмас деб топилган сайлов бюллетенларининг сонини аниқлайди.

Овоз беришда иштирок этган сайловчилар ярмидан кўпининг овозини олган Олий Мажлис депутатлигига номзод депутат этиб сайланган ҳисобланади.

Башарти сайловчилар рўйхатига киритилган сайловчиларнинг ярмидан ками сайловда иштирок этган бўлса, сайлов ўтмаган деб ҳисобланади.

Сайлов чоғида йўл қўйилиб, оқибат натижада овоз бериш якунларига таъсир қилган қоидабузарлик туфайли сайлов умуман ёки айрим сайлов округлари ёхуд айрим сайлов участкалари бўйича ўтмаган деб топилиши мумкин. Сайловни ҳақиқий эмас деб топишга доир қарор Марказий сайлов комиссияси томонидан қабул қилинади ва бу қарор устидан сайлов якунлари эълон қилинган кундан эътиборан ўн кун ичида Ўзбекистон Республикаси Олий судига шикоят қилиниши мумкин.

Айрим сайлов участкаларида сайлов ҳақиқий эмас деб топилгани тақдирда Марказий сайлов комиссиясининг қарорига биноан ана шу участкалар бўйича овоз бериш натижалари, башарти бу натижаларсиз ҳам сайлов умуман ҳақиқий деб топилиши мумкин бўлса, сайловнинг умумий натижаларидан чиқариб ташланади.

Марказий сайлов комиссияси сайлов якунлари бўйича баён тузади ва қарор қабул қилади.

43-модда. Такрорий овоз бериш

Башарти сайлов округи бўйича Олий Мажлис депутатлигига икки нафардан ортиқ номзод қўйилган бўлса-ю, улардан бирортаси ҳам сайланмаса, округ сайлов комиссияси энг кўп овоз олган икки нафар номзод бўйича округда такрорий овоз бериш ўтказиш ҳақида қарор қабул қилади ва бу ҳақда Марказий сайлов комиссияси ҳамда округ сайловчиларини хабардор қилади. Такрорий овоз бериш ушбу Қонуннинг талабларига риоя этган ҳолда икки ҳафта ичида ўтказилади.

Такрорий овоз беришда иштирок этган сайловчиларнинг овозини бошқа номзодга нисбатан кўпроқ олган Олий Мажлис депутатлигига номзод, башарти рўйхатга киритилган сайловчиларнинг ярмидан кўпи овоз беришда иштирок этган ва уни ёқлаб берилган овозлар сони унга қарши берилган овозлар сонидан кўп бўлган бўлса, сайланган деб ҳисобланади.

44-модда. Такрорий сайлов

Қуйидаги ҳолларда:

а) башарти сайлов округида сайлов ўтмаган ёхуд ҳақиқий эмас деб топилса;

б) башарти такрорий овоз бериш Олий Мажлисга депутат сайланганлигини аниқлаш имконини бермаса;

в) башарти сайлов округи бўйича Олий Мажлис депутатлигига кўпи билан икки номзод овозга қўйилган бўлса ва улардан бирортаси ҳам сайланмаган бўлса;

г) башарти Марказий сайлов комиссияси ушбу Қонун 46-моддасининг учинчи қисмида кўрсатиб ўтилган сабабга кўра депутатни рўйхатга олишни рад этган бўлса, такрорий сайловлар ўтказилади.

Такрорий сайлов Марказий сайлов комиссиясининг топшириғига биноан округ сайлов комиссияси томонидан ўтказилади. Бунда Марказий сайлов комиссияси такрорий сайлов янги таркибдаги округ ва участка сайлов комиссиялари томонидан ўтказилиши зарурлиги тўғрисида қарор қабул қилиши мумкин. Овоз бериш асосий сайлов ўтказиш учун тузилган аввалги сайлов участкаларида ва сайловчиларнинг рўйхатлари бўйича ўтказилади.

Асосий сайлов ўтказиш вақтида номзоди кўрсатилган ва Олий Мажлис депутатлигига номзод этиб рўйхатга олинган шахс ана шу ва бошқа округда такрорий сайлов чоғида депутатликка номзод этиб кўрсатилиши мумкин эмас.

Такрорий сайлов асосий сайловдан кейин кўпи билан бир ой ичида ўтказилади. Сайлов комиссияларини тузиш, депутатликка номзодларни рўйхатга олиш ва бошқа тадбирлар ушбу Қонунда белгиланган тартибда ўтказилади.

45-модда. Бўшаб қолган ўринларга Олий Мажлис депутатларининг сайловини ўтказиш

Олий Мажлис айрим депутатларнинг ваколатларини ҳақиқий эмас деб топган тақдирда, шунингдек депутат чақириб олинган, бошқа сабабларга кўра депутатлик ваколатлари муддатидан олдин тўхтатилган ҳолларда тегишли сайлов округларида депутатлик ўрни бўшаб қолган вақтдан бошлаб икки ой ичида янги сайлов ўтказилади. Сайлов Марказий сайлов комиссияси томонидан сайлов ўтказилишига камида бир ой қолганида тайинланиб, ушбу Қонуннинг талабларига риоя қилган ҳолда ташкил этилади. Бунда округ сайлов комиссияси сайловларга йигирма беш кун қолганида, участка сайлов комиссиялари эса ўн беш кун қолганида тузилади. Депутатликка номзодларни рўйхатга олиш сайловга ўн беш кун қолганида тўхтатилади.

Олий Мажлис ваколат муддатининг тугашига олти ойдан кам вақт қолганида Олий Мажлис депутатининг ўрни бўшаб қолса, бўшаб қолган ўринга янги депутат сайлови ўтказилмаслиги мумкин.

VIII. ДЕПУТАТЛАРНИ РЎЙХАТГА ОЛИШ ВА САЙЛОВ ЯКУНЛАРИНИ ЭЪЛОН ҚИЛИШ

46-модда. Олий Мажлис депутатларини рўйхатга олиш

Марказий сайлов комиссияси округ сайлов комиссияларидан олинган баённлар асосида Олий Мажлисга сайланган депутатларни рўйхатга олади ва бу ҳақда депутатларни хабардор этади.

Ушбу Қонун 23-моддаси олтинчи қисмида кўрсатиб ўтилган, Олий Мажлис депутати этиб сайланган шахслар Марказий сайлов комиссиясига Олий Мажлис депутатининг мақомига тўғри келмайдиган вазифаларни ўз зиммасидан соқит қилганлиги тўғрисида ёзма равишда маълум қилиши шарт.

Муайян сиёсий партиядан кўрсатилган ҳамма номзодлар, башарти улар сайловда овоз беришда иштирок этган Ўзбекистон Республикаси барча сайловчиларининг камида беш фоизи овозини тўпламаган бўлсалар, Олий Мажлис депутатлари этиб рўйхатга олинмайдилар.

47-модда. Олий Мажлис депутатлари сайловининг якунларини эълон қилиш

Сайлов якунлари тўғрисидаги ахборотни ва Олий Мажлисга сайланган депутатларнинг рўйхатини Марказий сайлов комиссияси алифбо тартибида депутатларнинг фамилияси, исми, отасининг исмини, туғилган йили, партияга мансублиги, эгаллаб турган лавозими (машғулотининг тури), иш ва яшаш жойи, сайлов округининг тартиб рақами ва номини кўрсатган ҳолда кўпи билан ўн кун ичида эълон қилади.

IX. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР

48-модда. Олий Мажлис депутатининг гувоҳномаси ва кўкракка тақиладиган нишони

Округ сайлов комиссияси Олий Мажлис депутатларининг рўйхати матбуотда эълон қилинганидан кейин округдан сайланган депутатга унинг сайланганлиги тўғрисида гувоҳнома беради.

Олий Мажлис томонидан депутатнинг ваколатлари тасдиқланганидан кейин депутат этиб сайланганлиги тўғрисида унга берилган гувоҳнома Олий Мажлис депутати гувоҳномаси билан алмаштирилади. Депутатга белгиланган намунадаги кўкракка тақиладиган нишон берилади.

49-модда. Сайловнинг молиявий таъминоти

Олий Мажлис сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш билан боғлиқ харажатлар Ўзбекистон Республикасининг давлат маблағлари ҳисобидан амалга оширилади. Олий Мажлис депутатлигига номзодларни бошқа маблағлар ҳисобидан пул билан таъминлаш ва ўзга тарзда моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш тақиқланади.

Ўзбекистон Республикасининг сиёсий партиялари, жамоат бирлашмалари, корхоналари, муассасалари, ташкилотлари ва фуқаролари ўз маблағларини ихтиёрий равишда сайлов ўтказиш учун беришлари мумкин. Бу маблағларни Марказий сайлов комиссияси сайлов кампанияси вақтида фойдаланиш учун қабул қилиб олади.

50-модда. Олий Мажлисга сайлов тўғрисидаги Қонунни бузганлик учун жавобгарлик

Сайловчиларнинг Олий Мажлисга сайлаш ва сайланиш, сайловолди ташвиқоти олиб бориш ҳуқуқларини амалга оширишларига зўравонлик, алдаш, таҳдид қилиш ёки бошқа йўл билан қаршилик кўрсатаётган шахслар, шунингдек сохта сайлов ҳужжатлари тузган, овозларни атайин нотўғри санаб чиққан, яширин овоз беришни бузган ёки ушбу Қонун бошқача тарзда бузилишига йўл қўйган сайлов комиссияларининг аъзолари, бошқа мансабдор шахслар, сиёсий партияларнинг вакиллари Ўзбекистон Республикасининг қонунларига мувофиқ белгиланган жавобгарликка тортиладилар. Депутатликка номзод тўғрисида сохта маълумотларни эълон қилган ёки ўзгача тарзда тарқатган шахслар ҳам жавобгарликка тортиладилар.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1993 йил 28 декабрь.

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг қарори

«ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИГА САЙЛОВ ТЎҒРИСИДА»ГИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚОНУНИНИ АМАЛГА КИРИТИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши ҚАРОР ҚИЛАДИ:

«Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни эълон қилинган кундан ўн кун кейин амалга киритилсин.

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши Раиси вазифасини бажарувчи Э. ХАЛИЛОВ.

Тошкент шаҳри, 1993 йил 28 декабрь.

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг қарори

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИГА САЙЛОВ ЎТКАЗУВЧИ МАРКАЗИЙ САЙЛОВ КОМИССИЯСИНИ ТУЗИШ ТЎҒРИСИДА

Қорақалпоғистон Республикаси Олий Кенгаши Раисининг, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимларининг таклифларини кўриб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов ўтказувчи Марказий сайлов комиссияси 16 кишидан иборат таркибда тузилсин:

Марказий сайлов комиссиясининг раиси:

Аҳмедов Қудратилла Аҳмедович

Марказий сайлов комиссиясининг аъзолари:

Анорқулов Алишер Аҳмедович — Тошкент вилоятининг Янгийўл шаҳар ҳокимлиги иқтисодиётини мувофиқлаштириш ва статистика масалалари бўлимининг мудири

Богачев Михаил Григорьевич — Навоий шаҳар ҳокимининг биринчи ўринбосари

Болтаев Шариф Олимович — Бухоро давлат университетининг доценти

Ёрқулов Мухтор — Ўзбекистон Республикаси Президенти девонининг референти

Исоқов Абдурауф Абдуразоқович — Самарқанд вилоятидаги Каттақўрғон шаҳар судининг судьяси

Исфандиёрова Дилором — Сирдарё вилоят хотин-қизлар қўмитаси раисининг ўринбосари

Йўлдошев Шавкат Тўрақулович — Жиззах шаҳар нотариуси

Муқимов Чори — Қашқадарё вилоят суди раисининг ўринбосари

Наримбетов Жанабой — Нукус давлат педагогика институтининг проректори

Нуннязов Искандар — агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмалари Хонқа туман қўмитасининг раиси, Хоразм вилояти

Пирматов Сирожиддин — Андижон вилоятининг Олтинкўл туманидаги С. Ашуров номли жамоа хўжалигининг бригада бошлиғи

Сандкаримов Санднабй — Тошкент шаҳридаги Беруний номли маҳалла фуқаролари йиғинининг раиси

Сотволдиев Абдуманноб Маматхалилович — Фарғона вилоятидаги Қува туман марказий касалхонаси бош шифокорининг ўринбосари

Тўхтаров Холмурод — Сурхондарё вилоятининг Жарқўрғон туманидаги 17-ўрта мактаб директори

Шералиев Абдураззоқ — Наманган вилоятининг Норин туманидаги 11-ўрта мактаб ўқитувчиси.

2. Марказий сайлов комиссияси «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги Қонунга мувофиқ комиссияни ташкил этиш ва унинг фаолият кўрсатиш тартибини йўлга солувчи Низомни ишлаб чиқсин ва қабул қилсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов ўтказувчи Марказий сайлов комиссияси тузилиши муносабати билан Олий Кенгашнинг 1989 йил 20 октябрдаги Қарорига биноан тузилган Ўзбекистон Республикаси халқ депутатлари сайловини ўтказувчи Марказий сайлов комиссиясининг ваколатлари тугатилди деб ҳисоблансин.

4. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов ўтказувчи Марказий сайлов комиссиясига Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши ваколатлари тугагунга қадар Ўзбекистон Республикаси халқ депутатлари сайловини ўтказувчи Марказий сайлов комиссиясининг вазифаларини бажариб туриш топширилсин.

5. Ушбу Қарор «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги Қонун кучга кирган вақтдан бошлаб амалга киритилади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши Раиси вазифасини бажарувчи Э. ХАЛИЛОВ.

Тошкент шаҳри, 1993 йил 28 декабрь.

Инсонпарвар демократик ҳуқуқий давлат сари!

КОНУН НОМИ БИЛАН

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ, ОЛИЙ СУДИ, РЕСПУБЛИКА ПРОКУРАТУРАСИ ВА «ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ»НИНГ МАХСУС САҲИФАСИ

• ПРОКУРОР МИНБАРИ

ЖИНОЯТЧИГА ШАФҚАТ ЙЎҚ

Республикамиз халқи ўз олдига қўйган вазифаларни амалга ошириши, энг аввало истиқлолни мустаҳкамлаши учун осойишталик, ижтимоий-сиёсий барқарорлик бўлмоғи, ҳар қандай ғайриқонуний тўсиқлардан ҳоли, ҳар томонлама ҳимояланган бўлмоғи лозим. Маълумки, бу масалага Президентимиз алоҳида эътибор бериб, мамлакатимизда жиноятчиликка қарши курашни янада кучайтиришни долзарб, кечиктириб бўлмайдиган вазифалардан бири қилиб қўйган эди. Ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари бу талабга ҳар қачонгидан ҳам жиддий ёндошиб, қатор тадбирларни амалга оширдилар ва амалга ошириб келмоқдалар. Республика Прокуратура органлари ҳуқуқни муҳофаза қилувчи бошқа идоралар билан ҳамкорликда жиноятчиликка қарши курашни кучайтириб, ижобий натижаларга эришдилар. Хусусан, Ички ишлар органлари билан ҳамкорликда олиб борилган тезкор тадбирлар натижасида кўпгина оғир ва хавфли жиноятлар очилиб, жиноятчилар ушланиб, тергов ҳаракатлари олиб борилиб, айбдорлар суд томонидан жазога тортилдилар.

Айрим мисолларга мурожаат қилишимиз мумкин. Чунончи, 1992 йил давомида дастлаб Тошкент шаҳар ҳудудида фуқароларнинг хонадонларига босқинчилик мақсадида кириб, уй соҳибларини қасддан ўлдириб, мол-мулкини эгаллаб, яшириниб юрган, Россияда ҳам шундай жиноятларни содир этган ашаддий жиноятчилар А. Карнаухов ва А. Кулагиналар ушланиб, тергов ўтказилиб, судга берилганидан сўнг, улар Тошкент шаҳар суди томонидан олий жазо — ўлимга ҳукм қилиндилар.

Ўтган йилнинг май ойида Тошкент шаҳар Юнусобод тумани ҳудудидан эркак кишининг бош қисми топилганлиги ҳолати бўйича қўзғатилган жиноят иши тезда қонуний ҳал бўлди. Деярли шу куннинг ўзида жиноят излари топилди. Терговда аниқланишича, қотиллик Тошкент Давлат техника дорилфунунини тамомлаган Ч. томонидан содир қилинган экан. У ўз шериги Қ. ни маст ҳолатида қасддан ўлдириб, унинг гавдасини бир неча бўлакларга бўлиб, турли жойларга яширган. Бу жиноят иши бўйича айбдор ушланиб, тергов қилинган, иши судга юборилди.

Оғир ва хавфли жиноятлардан бири ҳисобланган порахўрликка қарши кураш Прокуратура органлари фаолиятида алоҳида ўрин тутади. Кейинги пайтларда бу турдаги жиноятларнинг бир қанчаси аниқланиб, қатор порахўрлар қўлга олиндилар. Тошкент шаҳар ҳокимиятининг маиший хизмат ва хусусийлаштириш бўлими бошлиғи В. Орипов Чилонзор туман «Дилбар» кичик корхонаси раҳбари Т. Гончаровага шу тумандаги уй хоналаридан бирини хусусийлаштиришга ёрдам берганлиги эвазига 300 минг сўм пулни пора сифатида олаётганида қўлга олинди. У Тошкент шаҳар суди томонидан 8 йилга озодликдан маҳрум қилинди. Яна бир бошқа мисол. Оҳангарон туман халқ судялари Р. Холиқулов, О. Абдураҳмоновлар ҳам пора устида қўлга тушишиб, уларга нисбатан ҳам қатъий тергов ҳаракатлари олиб борилди. Улар ҳам суд томонидан озодликдан маҳрум қилиндилар. Тошкент шаҳар судининг собиқ аъзоси Бекмурова ҳам пора устида қўлга олиниб, қилмишига яраша қонун олдида жавобгарликка тортилди. Фарғона вилояти Олтиариқ тумани нотариал идорасининг ходими С. Умарқулова фуқаро У. Матмусаевнинг отасидан мерос қолган енгил автомашинасини ҳамда отасининг омонат кассадаги 3640 сўм пул маблағини ворислика расмийлаштираётган бир пайтда унга товламачилик қилиб, 10 минг сўм пул беришини талаб қилган. С. Умарқулова 6 минг сўм пулни пора тариқасида олаётган пайтда қўлга тушди.

Минг афсуски, ҳуқуқ-тартибот идораларининг ана шундай айрим ходимларининг ғайриқонуний хатти-ҳаракатлари жуда ачинарли ҳолдир. Божхона ходимларининг жиноятчиликка қарши курашда қилаётган ишларини инкор қилмаган ҳолда улар орасида ҳам айрим ходимларнинг хатти-ҳаракатлари мавжудлиги ташвишли бир ҳолдир. Чунончи, Фарғона вилояти божхонасининг кичик инспектори К. Қосимов фуқаролар У. Дадажонов, И. Мамадалиев ва бошқалар билан тил бириктириб, Олтиариқ нефть заводидан Фарғона нефть заводига ўтган ёқилғи қувурини тешиб, шланг орқали КаМАЗ машинаси шитернасига 13 тонна ёқилғини қуйиб олаётган пайтда қўлга тушганлар. Жиноятчилар турли муддатларга озодликдан маҳрум қилиндилар.

Халқ хўжалиги учун муҳим бўлган нефть маҳсулотларининг танқислиги ҳукм сураётган, бу маҳсулотларнинг бир қисми эса катта маблағлар эвазига бошқа мамлакатлардан келтирилиб, эҳтиёжни қондиришга ҳаракат қилинаётган бир даврда айрим нопоқ шахсларнинг ўз манфаатларини ўйлаб, давлат мол-мулкини талон-торож қилаётганлиги билан асло келишиб бўлмайди. Республика Прокуратураси ҳамда тафтиш идораларининг ходимлари ҳамкорликда текширув ўтказганида Фарғона нефтни қайта ишлаш бирлашмасида катта миқдордаги нефть маҳсулотлари талон-торож қилинаётганлиги аниқланди. Бу ишлар юзасидан ҳам жиноий ишлар қўзғатилди ва тергов ишлари олиб борилмоқда.

Хуллас, олиб борилаётган ишлар ўзининг ижобий натижаларини бермоқда. Масалан, ўтган йилнинг 10 ойи мобайнида республикамиз бўйича жиноятчилик 0,8 фоизга, унинг оғир турлари 10,8 фоизга, босқинчилик 26,6 фоизга, талончилик 34,4 фоизга, давлат ва жамоат мулкини талон-торож қилиш 62,5 фоизга, ўғрилик 32,5 фоизга камайган.

Хўш, бундай кўрсаткичларга қандай эришилди, деган савол туғилиши табиийдир.

Аввало, давлатимиз томонидан бу масалага эътибор ҳар қачонгидан ҳам кучайтирилмоқда. Давлат юритаётган сиёсат ҳамда қонун талабларидан келиб чиқиб, барча звеноларда ишлар аниқ ва тўғри, мақсадга мувофиқ равишда ташкил қилинаётир. Белгиланган режаларнинг амалда бажарилишига талабни кучайтириш, қонун устиворлигини, прокурор назоратининг юқори даражада бўлишини таъминлаш биринчи галдаги вазифалардир. Шунингдек, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар жамоатчиликка суянган ҳолда иш юритмоқдалар.

Тўғри, ҳали жиноятчиликка қарши курашда жуда кўп ишларни амалга оширишимиз лозим. Мустақил Республикамиз халқи олдида катта ва мураккаб масалалар турибди. Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар халқ билан ҳамнафас бўлиб, унга елкадош бўлмоғи, ҳар қандай тажовузлардан ҳимоя қилмоғи ва пировардида ҳуқуқий давлат қуришда фаоллик кўрсатмоғи лозим.

Рашид ҚОДИРОВ,
Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг ўринбосари, учинчи даражали давлат адлия маслаҳатчиси.



Ўтган йили Наманган области давлат божхона хизмати ходимлари областдан рухсат этилмаган моддий товар бойликларини олиб чиқиб кетиш холларидан 337 нафаридан зиёдини қайд этишди. Мусодара этилган моддий бойликлар ҳамда тақчил дори-дармонлар 60 миллион сўмликдан зиёдни ташкил этди. Шу кунларда область божхона хизмати ходимлари қонун бузиш ҳолларига қарши қаттиқ кураш олиб бормоқдалар.

СУРАТДА: 4-божхона пости бошлиғи Аҳмаджон Умаров қоидабузарлардан тортиб олинган тақчил дори-дармонлар ҳамда бир маротаба фойдаланиладиган шприцларни кўздан кечирмоқда.

Ш. Алимов (ЎзА) олган сурат.

• Мулоҳаза учун мавзу

ТЎЙДАГИ ЧИРМОВИҚЛАР

Ҳар бир оиланинг энг холис нияти, покиза тилакларидан бири ўғил кўришдир. Шундай бахтга эришган ота-она фарзандимиз суянсак, суянгудек суянчиғимиз, ишонсак, ишонгудай меҳрибонимиз, хайрли ишлар қиладиган саховатпеша бўлсин деб ният қиладилар. Орзу бошқа, ният бошқа.

Биз қишлоқ ёшлари ҳам ўзимизни даврнинг ўқ томири эканлигимизни биламиз. Сиёсатдан, насиҳатдан гап очсангиз, анча мунчамизни енголмайсиз. Бизни шаҳарлик тенгқурларимиздай ҳар куни кино, театр, сайлгоҳлар кутиб турмайди. Биз ўзимизга ишдан сўнг дам олгани шароит яратиб оламиз. «Гап» еймиз, дўстларимиздан биронтаси уйланса-ку, худо берди. Тўйдан бир ҳафта буруноқ ҳар кеч уникидан келмай қўлмиз. «Дўппи ювди», «ёлғон мағзар еди, мағзар еди», «сабзи тўғраш» дегандай. Тўйнинг эртаси куни эса «қуёвқочди» деган каби удумларимиз ҳам бўлади.

Мана, ҳозиргина шаҳардан қишлоққа қатнайдиган автобусдан тушдим. Йўл бўйи тўрт-беш йигит қимор ўйнаб келди. Улар ўриндиққа ўтиришгандаёқ кўз уриштиришиб бир-бирларига картани ол, дейишди. Ана автобусдагилар уларга, на қиморбозлар автобусдагиларга парво қилишади.

— Юз сўм ўтдим, Ҳайдар!

— Юз сўм қайтди, Маҳмуд!

Шу сўзлар қулоғимга кираркан, бундан уч-тўрт йил аввал қўшни қишлоқлардан бирида бўлган воқеани эсладим. Носир кечқурун гапга борди. Чой-пой, биринчи овқатдан сўнг қимор бошланди. Сигарет тутунига тўлиб кетган хона ичида йигитлар беш-олтитадан бўлишиб давра қуриб ўтиришган. Ҳамманинг нигоҳи ўртадаги пулда-ю,. тарқатилаётган картада...

Тун ярмида Носир бор-будини ютқазиб, яна аллақанча қарз ҳам бўлди. Уйидаги кекса ота-онасидан пул сўраш қийин. Биров бермайди. Охири қарзлари қисталанга келганда у ориятдан кучидан уйига келиб, сўрида ётган чолдан пул сўрайди ва бир тийин ҳам ундуролмагач, ўлимликка йиққан пули солиниб қулфлаб қўйилган сандиқ ёнбошида ухлаётган касалманд қари онаси ёнига кираги ва унга мақсадини айтади. Муштипар она кўнмагач, йигит зўравонлик билан сандиқ устига йиғилган катта қўрпаларни шартта йиқитади-да, қулфни бузиб пулни олиб чиқиб кетади. Яна қимор ўйналади. Эрталаб йигит уйқусираганича кўзларини уқалаб уйига кириб келса онаси ётган жойида кўринмайди. Бирдан кампирни кўрпалар тагида қолганини эслайди ва қараса... она димиқиб жон берган эди...

Автобусдаги йигитлар ҳамон карта ўйнашмоқда.

— Юз сўм ўтдим.

— Юз сўм қайтди...

— Бугун Ҳусанларникида «сабзи тўғрар» бўлади, борасизларми?

— Йўқ, ўзимизни маҳаллада ҳам «мағзар еди» бўлади.

— Икки юз сўм ўтдим.

— Уч юз сўм қайтди...

Ана шундай бизда... Боягина автобусда парво қилмаган катталаримиз уйларида қимор ўйнаётган болаларига дакки бериш ўрнига ўзлари ҳам қўшилиб ўйнайдилар.

Уларнинг кўпи Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 219-моддасида кўрсатилган қимор ўйнаганлиги ва унга шароит яратиб берганлиги учун жиноий жавобгарликка тортилишини яхши билишади. Аммо нимагадир парво қилишмайди. Қимор ўйнаган бола аввало ёлғон гапиришни ўрганса, кейинчалик ўғрилик қилиш, қотилликка қўл уриши мумкин.

Собиқ совет давлатидан қолган бу «мерос»ни қандай тугатиш мумкин? Баъзилар бангидай карта ўйнамаса хумор бўлаверади. Автобусда ҳам чидаб туришолмаганлиги бир сар, иш вақтида пана жойга борволишиб ўзлари айтмоқчи, қимор ўйнашлари бир сар. Чунки, бу касофат уларни ёмон йўлга етаклабгина қолмай корхона ва заводларнинг ишлаб чиқаришини ҳам издан чиқаради.

Қимор ўйнаган жойдан файз барака арийди, оилада тинчлик йўқолади. Фарзандига ўрнак саналувчи ота оиланинг таянчи саналган йигитнинг картага мўлтираб, ёнидагисининг пулини шилиб олиш мақсадида ўтириши уят эмасми? Президентимиз ва ҳукуматимиз мустақиллигимиз равнақи йўлида куну тун тинмай кураш олиб бораётган пайтларда бир-биримизни юлиш билан шуғуллансак яхшими?

Шуҳрат МУСАЕВ,
«Ўзбекистон овози»нинг Андижон вилояти бўйича ўз мухбири.

• Ҳар кимки ёмон бўлса, жазо топқусидир!

ТЕКИН ТОМОҚ — ТЕШИБ ЧИҚАР

Самарқанд вилояти божхоначилари қизиқ ҳолга дуч келишди. 23 июль куни «МАЗ-543222» русумли, давлат белгиси 20—18 ФИМ рақамли Бишкекдаги «Сим-Осиё» фирмасига қарашли машина текширилганида, транзит равишда олиб ўтилаётган юкнинг Бишкек божхонаси томонидан урилган тамғаси бузилгани аниқланди. Бирдан минг қилишни истаган фирма вакиллари рухсатномадан ташқари Ашгабат шаҳридаги «Комик» фирмасига 11 миллион 225 минг 250 сўмлик 3 тонна мис симларнинг «йўлини» топиб ортишган экан. Аммо ов бароридан келмади. Фирма вакиллари суд орқали ҳақларини талаб қилиб олишга аҳд қилишди. Аммо... Ютқазишди. Самарқанд шаҳар халқ судининг 18 августдаги қарорига кўра «Сим—Осиё» фирмасидан олиб кетилаётган мол қиймати нинг 50 фоизи, яъни 5 миллион 162 минг 625 сўм пул ундирилди.

Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги машиналари ишлаб чиқариш бирлашмаси ҳам хорижга маҳсулот жўнатади. Бирлашма вакиллари Тожикистон Республикасидаги «Селекция» ширкатига учта 4ХКО-300 русумли пахта тозалаш мосламасини қонунга хилоф равишда жўнатишга урингани учун Яккасарой тумани халқ судининг қарорига кўра 3 миллион 180 сўмдан ортиқ жарима тўлашга мажбур бўлишди.

Кимлардир гапираверсин-ю, ўзгина бўлса ҳам амалий иш қилади. Кимлардир шу ишга бевосита масъул-у қилаётган иши ҳеч бир қолипга тўғри келмайди. Шундай тескари иш тутувчи ташкилотлар рўйхатидан «Қорақалпоқсувхўжалиги» ташкилоти ҳузуридаги «Орол» тижорат ишлаб чиқариш фирмаси ҳам ўрин олган.

Шу фирма директори Э. Брайнингер ҳамда Нукусдаги 166-қурилиш трестининг темир-бетон маҳсулотлари ишлаб чиқариш заводининг мастери С. Қаиповлар афтидан денгизни трактор сотиб тўлдиришга аҳд қилганга ўхшашади. Бу икки «азамат» Тошкент трактор ишлаб чиқариш бирлашмасидан 6 та Т-28Х4 тракторларини ортиб Туркманистон Республикасига ноқонуний равишда элтаётганларида Хоразм вилояти божхона бошқармаси ходимлари томонидан ушлаб қолинди. Салкам ўттиз миллион сўмлик тракторлар давлат фойдасига мусодара қилиниб, Ўрганч туманидаги жамоа хўжаликларига берилди.

Қорақалпоғистон Республикаси божхона бошқармаси ходимлари томонидан «КамАЗ-54112» русумли, давлат белгилари 55—54 КПЛ, 30—28 КПН рақамли машиналарда «Райтехживсервис» директори Х. Момутов ва «Агропромспецремонт» ташкилоти ходими Ж. Маткаримовлар Санкт-Петербург шаҳрига юртдошларига хиёнат қилиб, 1375 дона қоракул териси, 1150 жамлама чойшаб, Нукус кабель заводида ишлаб чиқарилган 50 минг метр сим, 96 дона сув каламуни териси, 191 дона халат, 30 дона қалин кўрпа, 250 килограмм гуручни Ўзбекистон чўлларидан яширинча олиб ўтишга уринишганда тўрга илинишди. «Ҳожатбаҳор»лар молларини Қўнғирот туманидаги «Ўзт-юрт», Тахтакўпир туманидаги «Мулик» давлат хўжаликларидан ва Хўжайли савдо базасидан ундиришган экан. Қилғилиқни қилиб қўйган бу икки кимса энди қонун олдида жавоб беришади.

Сохта «ишбилармонлик» «тиҳоратчи»лик ниқоби остида иш тутиб, иқтисодиётимизга зиён етказаётганлар бармоқ билан санарли эмас. Текширишлар шуни кўрсатадики, қонунбузарликни содир этаётганларнинг 38 фоизи умумий овқатланиш, савдо, тижорат соҳасида ишлайдиганлар, 24 фоизи ҳеч қаерда ишламайдиган текин томоқ кимсалардир.

ЧорҚўй шаҳридаги «Едиге» кичик корхонасининг сотувчиси Б. Хўжаев ҳам Қорақалпоғистонга келиб қурук қўл билан кетишни ўзига эп билмаган бўлса керак, шартта ёнидаги бор 1961—1992 йилларда чиққан рубларига Тўрткўл бозоридан қорамол сотиб олди. Аммо ҳурматли меҳмон қонун-қоидаларимизни ҳурмат қилиш лозимлигини унутиб қўйди ва бир миллион сўмликдан ортиққа баҳоланган қорамолларидан ажралиб қолди.

Қашқадарёда асфальт йўлдан учиб бораётган «Ўртаосиётранс»га қарашли «Мерседес-бенц» русумли, давлат белгиси 02—29 ТНР, 02—26 ТНР автомашиналари тўхтатилганида ҳайдовчилар А. Пскоровский, М. Шанин ва Краснодар ўлкасида истиқомат қилувчи Усть-Лобинск шаҳридаги «Кристалл» фирмаси таниёрловчиси М. Улс кийнинг ранги оқариб кетди. Бу уч «оғайни ботир»лар қалбаки ҳужжатлар билан Россияга саксон миллион сўмлик томат пастасини олиб кетишаётганида сирлари ошкор бўлиб қолди.

«Андижон» станциясида 90 миллион сўмлик Р-2 русумли бензинни ноқонуний равишда олиб чиқиб кетишга уринган Қирғизистон Республикаси Жалолобод вилоятида фаолият кўрсатаётган «Селитей» кичик корхонасининг найранги фош этилди. Унинг директори А. Қосимбоев эса қилғиликни қилиб қочиб юрибди.

Бундай мисолларни кўплаб келтиришимиз мумкин. Юртимиз қудратига-қудрат, кучига-куч қўшиш сиз билан бизнинг қўлимизда. Ҳеч ким четдан келиб ёрдам бермайди. Ўзбекистонда ҳақиқий ишбилармон, тижоратчилар учун бирон бир тўсиқ қўйилмаган, қўйилмайди ҳам.

Бироқ... Юртфуруш ва бели оғримай нон ейишни хуш кўрадиган бундай чирмовуқлардан халқ ризқи бир кунмас бир кун тешиб чиқади.

Мирзо АБДУЛЛАЕВ,
Давлат божхона қўмитаси ходими.

Саҳобиддин СИРОЖИДДИНОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

янгиликлар воқеалар хабарлар

ХАЛҚАРО КУЗГУ

Э. ШЕВАРДНАДЗЕНИНГ САФАРИ

● Грузия давлатининг раҳбари ва парламент раиси Эдуард Шеварднадзе Туркия Президенти Сулаймон Демирелнинг таклифига кўра Анқарага келди. Чанқаядаги Президент саройида олий мартабали меҳмонни тантанали кутиш маросими бўлди.

Ташриф давомида мустақиллик, тинчлик, барқарорлик ва демократия йўлида ҳамкорлик ҳақидаги декларация, шунингдек, саноат, савдо, саёҳатчилик, хавфсизлик ва маданият соҳаларида битимлар имзоланиши кутилмоқда. Грузия раҳбари Туркия Президенти Сулаймон Демирел, парламент раиси Ҳисомиддин Жиндуруқ, Бош вазир Тансу Чиллер билан музокаралар ўтказади.

ЖАНГЛАР ДАВОМ ЭТМОҚДА

● Тоғли Қорабоғда шиддатли жанглар давом этяпти. Ҳар икки томондан ҳам қурбон бўлганлар ва яраланганлар бор.

Аммо Степанақерт ва Бокудан олинаётган хабарлар тамомила бир-бирига зид. Хорижий агентликлар маълумотида Озарбайжон армияси бутун фронт бўйлаб ҳужумга ўтгани қайд этилмоқда. Айниқса, Тоғли Қорабоғнинг Мардакерт районида кучли тўқнашувлар бўлиб ўтди.

ЖУРНАЛИСТЛИК — ХАТАРЛИ КАСБ

● Ўтган йили МДҲ мамлакатларида 24 журналист ҳалоқ бўлди. Улардан учтаси чет эл мухбири.

Россиянинг ошкоралиқни ҳимоя қилиш жамғармаси раиси Алексей Симонов ана шу рақамларни эълон қилди. Унинг айтишича, фақатгина ўтган йилнинг октябрь ойида Москвада рўй берган қонли воқеаларда 7 журналист ҳалоқ бўлган, 14 таси яраланган, 36 таси эса қалтакланган ва хўрланган. Тожикистон, Абхазия, Озарбайжон, Арманистон, Чечен Республикаси ва бошқа минтақалардан ҳам журналистларга ҳужумлар бўлаётгани, улар таъқиб остига олинаётгани хусусида ташвишли хабарлар келиб турибди.

ЯГОНА ПУЛ ТИЗИМИГА ЎТИЛАДИ

● «Ўтган ҳафтада Россия Федерацияси ва Беларусь Республикаси ҳукуматлари раҳбарлари томонидан имзоланган икки мамлакат пул тизимларини бирлаштириш ҳақидаги баёнотда ноаниқ жиҳатлар кўп». Беларусь Миллий банки бошқаруви раиси Станислав Богданкевич шундай деди.

Унинг айтишича, республика Россия пулига ўтган кунидан бошлаб ёқилғи ва асосий хомашёга икки мамлакатда ҳам бир хил нарх белгиланиши зарур. Акс ҳолда ҳар қандай бирлашув ўз аҳамиятини йўқотади. Чунки, Белорусдаги корхоналар Россия бозорида рақобатга бардош бера олмайди.

ТЎҚНАШУВ ДАВОМ ЭТМОҚДА

● ҚОБУЛ. Афғонистон пойтахтида мужоҳидларнинг рақобатдаги гуруҳлари ўртасидаги тўқнашув давом этмоқда.

Чет эл ахборот агентликларининг хабар беришича, минглаб аҳоли ва дипломатик ваколатхоналарнинг ходимлари шаҳарни ташлаб чиқиб кетмоқда. 1 январдан буён бўлаётган жангларда юзлаб киши ҳалоқ бўлди, 4 мингдан ортиқ киши яраланди. Афғонистонлик 10 минг қочоқ қўшни Покистон ҳудудидан бошпана топди.

Мамлакат Президенти Бурҳониддин Раббонийга содиқ кучларга қарши Бош вазир Гулбиддин Ҳикматёр ҳамда генерал Абдурашид Дўстум аскарлари жанг қилмоқда. Президент қўшинларининг мамлакат шимолидаги Мозори Шариф сари ҳамласи қайтарилди. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ва Покистон вакиллари рақобатдаги кучларни яраштириш йўлларини изламоқдалар.

НОХУШ РАҚАМЛАР

● ДЕҲЛИ. Ҳиндистон йўлларида ҳар дақиқада фалокат рўй берib, ҳар 10 дақиқада бир киши ҳалок бўлар экан.

Жаҳондаги мавжуд машиналарнинг бор-йўғи бир фоизига эга бўлган мамлакатда дунёдаги барча йўл ҳодисаларининг 6 фоизи содир бўлар экан. Йўл ҳаракати хавфсизлиги семинари жараёнида эълон қилинган ана шу рақамларни «Ҳиндустан Таймс» газетаси чоп этди.

Ҳиндистон йўлларида ҳайдовчи ва йўловчиларга нисбатан велосипедчилар беш баравар кўп ҳалок бўлар экан.

ҚАСДДАН ЎТ ҚЎЙИШДА АЙБЛАНМОҚДА

● КАНБЕРРА. Австралиянинг янги Жанубий Уэльс штатида полиция 10 кишини қамоққа олди.

Улар қасддан ўт қўйишда айбланмоқда. Маълумки, бу ердаги кучли ёнғин натижасида тўрт киши ҳалок бўлди, 150 уй тамомила ёниб кетди. Ёнғин 550 минг гектардан ортиқ майдонни қоплаб олди. Гарчи оловнинг тарқалиш йўли тўсилган бўлсада- бир қатор районларда ўт билан кураш давом этмоқда.

МУҲИМ ТАДБИР

● ПАРИЖ. Шимолий Атлантика Иттифоқи (НАТО) бош котиби Манфред Вернер яқин кунларда Боснядаги нишонларга ҳаводан зарба урилиши мумкинлигини айтди.

Тузла шаҳри аэропортини ва Сребреница шаҳрига олиб борадиган йўлни серб кучларидан тозалаш учун ана шу тадбир маъқул кўрилди.

НАТО бош котибининг айтишича, ўтган куни Брюссель шаҳрида якунланган Шимолий Атлантика Иттифоқининг олий даражадаги фавқулодда сессияси қатнашчиларининг ҳам бунга рози бўлдилар.

(Жаҳон ахборот агентликлари ва рўзномаларидан олинди).

янгиликлар воқеалар хабарлар

Ҳафталик кўрсатувлар

Душанба, 17. I

● ЎзТВ I

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 «Бугун». Ахборот кўрсатуви.
18.10 «Сулола». Телефильм.
18.20 «Созандалар ҳақида ҳикоялар». Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Қобил Усмонов.
18.55 Эълонлар.
19.00 «Ўзбекистон» ахборотн (рус тилида).
19.20 Эълонлар.
19.30 «Бунёдкор». «Қаршистрой»нинг 30 йиллигига.
20.10 Оқшом эртаклари.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ўзбекистон» ахборотн.
21.00 «Ислоҳот ва масъулият».
21.20 Аждодлар мероси. «Амир Темур».
21.55 «Эрга тегмангиз қизлар». Бадиий фильм.
23.00 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

● ЎзТВ II

19.00 «Ўзбекистон» ахборотн (рус тилида).
19.20 «Билиб қўйган яхши».
19.40 «Ўтмишсиз келажак йўқ».
20.10 «Енгилдан сақланинг!».
20.40 «Аччиқ данак». Телевизион бадиий фильм.

ТЕЛЕТОМОШАБИНЛАР ДИҚҚАТИГА!

Профилактика муносабати билан душанба, 17 январь куни «Орбита IV» кўрсатувлари соат 15.00 дан, «Дубль IV» кўрсатувлари соат 16.35 дан бошлаб намойиш этилади.

● «ОРБИТА IV»

15.00 Янгиликлар (сурдо таржимаси билан).
15.20, 18.20, 21.20 — Кўрсатувлар тартиби.
15.25 «Тадбиркор».
16.20 Мультфильм.
16.30 Болалар — болаларга.
17.10 «Иқболи кулганда».
17.50 «Мулкдор алифбоси».
18.00 Янгиликлар (сурдо таржимаси билан).
18.25 «Гол».
18.55 «Ҳужжатлар ва тақдирлар».
19.05 «Турмуш ижир-чижирлари». Бадиий телесериал премьераси. 31-серия.
19.40 «Миниатюра».
19.55 «Биз». В. Познериннг муаллифлик кўрсатуви.
20.40 Хайрли тун, кичкинтойлар!
21.00 Янгиликлар.
21.30 «Спорт уик-энди».
21.45 «Мавъиза». Москва «Ленком» театрининг фильм-спектакли.
01.00 Янгиликлар.
01.35 Қиличбозлик. «Москва шамшири» халқаро турнири.
[illegible]05 Париж— Дакар — Париж авторалиси. Якунловчи кўрсатув.

● «ДУБЛЬ IV»

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

16.35 Болалар учун янгиликлар.
16.50 «Россияда бизнес».
17.20 «Янги чизиқ».

18.00—20.20
ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

20.20 Душанба куни детектив. «Родос учбурчаги». Бадиий фильм. «Эркюль Пуаро» сериалидан.
21.20 «Ностальжи» — барча авлодлар мусиқаси».
21.50 Спорт кўрсатуви.

22.00—22.20 Туркия телевидениеси. Хабарлар.

22.25 «Тафсилотлар».
22.35 «Юлдузлар билан суҳбатда».
22.40 «Абракадабра».
23.10 «Менинг дўстларим — менинг бойлигим». Хайрия концерти.
00.40 «Хроно». Авто ва мотоспорт олемида.

Сешанба, 18. I

● ЎзТВ I

7.00—9.30 «Ассалом, Ўзбекистон!». Тонгги дам олиш кўрсатуви.

9.30 «Ғаройиб ҳодиса». Бадиий фильм.
10.35 Ўқув кўрсатуви. Ўзбекистон халқлари тарихи.
11.05 «Қалдирғоч». Фильм-концерт.
11.35 Ўқув кўрсатуви. Математика. Юзлар. Ҳажмлар.

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 «Бугун». Ахборот кўрсатуви.
18.10 «Қўшиқ рақсга уланса». Саодат Туронова ва Гўзал Мансурхўжаева.
18.50 Кинолавҳа.
18.55 Эълонлар.
19.00 «Ўзбекистон» ахборотн (рус тилида).
19.20 Эълонлар.
19.25 «Иқтисод сабоқлари». Банкир.
19.35 «Фармон ва ижро».
20.10 Оқшом эртакларн.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ўзбекистон» ахборотн.
21.00 «Санъат усталари». Ўзбекистон халқ артисти Замира Ҳидоятова.
21.50 «Учувчилар». Бадиий фильм.
23.15 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

● ЎзТВ II

19.00 «Ўзбекистон» ахборотн (рус тилида).
19.20 «Шунчаки саргузашт». «ОМАД» таништиради:
19.50 Эълонлар. «Кинонигоҳ».

● «ОРБИТА IV»

5.55, 15.20, 18.20, 21.20 — Кўрсатувлар тартиби.
6.00 Янгиликлар.
6.35 Эрталабки бадантарбия машқлари.
6.45 «Тонг».
9.00 Янгиликлар.
9.20 «Оддий Мария». Кўп серияли телевизион бадиий фильм премьераси.
10.10 «Инсон ва қонун».
10.40 «Гол».
11.10 Болалар — болаларга.
11.50 «Матбуот-экспресс».
12.00 Янгиликлар.
Кундузги киноэкспресс
12.20 «Тёмининг болалиги». Телевизион бадиий фильм. 1 ва 2-серия.
14.55 Мультфильм.

15.00 Янгиликлар (сурдо таржимаси билан).
15.25 «Ишбилармонлар хабарномаси».
15.40 «Тадбиркор».
16.10 «Иш».
16.20 «Менинг оилам ва бошқа жониворлар». Кўп серияли телефильм. 1-серия.
16.50 «Қизлар ўртасидаги сир».
17.10 Болалар ва ўсмирлар XVI халқаро Москва кинофестивали.
17.50 «Мулкдор алифбоси».
18.00 Янгиликлар (сурдо таржимаси билан).
18.25 «МДХда атом электр станцияларининг хавфсизлиги».
18.50 Мультфильм.
19.05 «Оддий Мария». Кўп серияли телевизион бадиий фильм премьераси.
19.55 «Мавзу».
20.40 Хайрли тун, кичкинтойлар!
21.00 Янгиликлар.
21.30 «Олтин шлягер».
22.15 «Илк манбадан».
22.30 «Останкино» телеэкранида биринчи марта. «СССРда тайёрланган». Бадиий фильм («Фора-фильм»).
24.00 «Телескоп».
00.15 «Дераза ортида тун».
00.50 «Матбуот-экспресс».
01.00 Янгиликлар.
01.35 Профессионал баскетбол лигаси халқаро чемпионати. МАСК— «Динамо» (М.).

● «ДУБЛЬ IV»

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

7.30 «730-формула».
8.00 «Янги чизиқ».
8.20 Ишбилармон кишилар даври.
8.50 Мульти-пульти.
9.00 Теннис. Австралиянинг очиқ чемпионати.

12.00 Хонаки экран. «Жаҳонгашта эртак». Бадиий фильм.
13.40 «Деҳқонларга тааллуқли масала».
14.05 «Телегазета».
14.10 Кундузги сеанс. «Фаришталнинг кузги совғаси». Бадиий фильм.
15.20 «Энг соддаси».
16.20 Болалар учун янгиликлар.
16.35 «Рост» студияси. «Кимнинг томони!».
17.05 Эй-Би-Синнинг дунё янгиликлари.
17.35 «Азъ есмь».

18.00—19.55
ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

19.55 Хонаки экран. «Санта-Барбара». Кўп серияли бадиий телефильм. 268-серия.
20.45 Санъат майдони. «Финляндияда Рождество байрамлари».
21.25 «Биз севган ва унутмаган инсонлар ҳақида». М. Ростропович.

22.00—22.20 Туркия телевидениеси. Хабарлар.

22.25 «Тафсилотлар».
22.35 «Юлдузлар билан суҳбатда».
22.40 «Асия ҳопича».
23.35 Спорт кўрсатуви.
23.40 «Қисқаси...».
00.25 «Сариқ сувости кемаси» клуби.
00.55 «Осойишталик № 9».

Чоршанба, 19. I

● ЎзТВ I

7.00—9.30 «Ассалом, Ўзбекистон!». Тонгги дам олиш кўрсатуви.

9.30 Республика газеталарининг шарҳи.
9.45 «Асия». Телефильм.
10.30 Ўқув кўрсатуви. Физика. Ярим ўтказгичлар ва улар асосида ишлайдиган асбоблар.
11.00 «Ер юзидаги» телекомпаниясининг янгиликлари (АҚШ).

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 «Бугун». Ахборот кўрсатуви.
18.10 «Ёшлик» студияси. «Тежамкорлик сирлари».
18.30 «Фан уфқлари».
18.55 Эълонлар.
19.00 «Ўзбекистон» ахборотн (рус тилида).
19.20 Эълонлар.
19.25 Бир асар тарихи. Ўзбекистон халқ ёзувчиси Мирмуҳсин. «Темур Малик».
20.10 Оқшом эртаклари.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ўзбекистон» ахборотн.
21.00 «Тадбиркорлар минбари».
22.00 Бокс бўйича Ўзбекистон чемпионати.
22.30 «Қойилмақом жиноят». Бадиий фильм.
24.00 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

● ЎзТВ II

19.00 «Ўзбекистон» ахборотн (рус тилида).
19.20 «Бумеранг». Экология ҳақида.
19.50 «Жуда керакли одам». Бадиий фильм.

● «ОРБИТА IV»

5.55, 15.20, 18.20, 21.20 — Кўрсатувлар тартиби.
6.00 Янгиликлар.
6.35 Эрталабки бадантарбия машқлари.
6.45 «Тонг».
9.00 Янгиликлар.
9.20 «Ҳакка». Болалар ахборот кўрсатуви.
9.40 «Оддий Мария». Кўп серияли телевизион бадиий фильм премьераси.
10.30 «Ҳайвонот оламида» (сурдо таржимаси билан).
11.10 «Марафон-15».
11.50 «Матбуот-экспресс».
12.00 Янгиликлар.
Кундузги киноэкспресс
12.20 «Капитан Фракасс». Телевизион бадиий фильм. 1-серия.
13.30 «Виктория». Телевизион бадиий фильм.
14.55 Мультфильм.

15.00 Янгиликлар (сурдо таржимаси билан).
15.25 «Тадбиркор».
16.20 «Менинг оилам ва бошқа жониворлар». Кўп серияли телефильм. 2-серия.
16.50 «Марафон-15».
17.30 «Парвоздаги уй». Кўп серияли мультфильм премьераси.
18.00 Янгиликлар (сурдо таржимаси билан).
18.25 Эфирда — Давлатлараро «Мир» телерадиокомпанияси.
18.50 Ҳужжатлар ва тақдирлар».
18.55 Мультфильм.
19.10 «Оддий Мария». Кўп серияли телевизион бадиий фильм премьераси.
20.00 «Кремль девори ортида».
20.40 Хайрли тун, кичкинтойлар!
21.00 Янгиликлар.
21.30 «Аншлаг, аншлаг». Клара Новикова.
22.50 «Актёрлар ва тақдирлар». «Аёллар». Бадиий фильм.
00.45 «Матбуот-экспресс».
01.00 Янгиликлар.
01.35 «МТV».

● «ДУБЛЬ IV»

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

7.30 «730-формула».
8.00 «Янги чизиқ».
8.20 Ишбилармон кишилар даври.
8.50 Мульти-пульти.
9.00 Теннис. Австралиянинг очиқ чемпионати.
10.00 «Асил ҳолича...».
10.55 «Ҳақиқатни асровчилар».
11.25 «Янги чизиқ».
11.55 Хонаки экран. «Санта-Барбара». Кўп серияли бадиий телефильм. 268-серия.
12.45 Мульти-пульти.
12.55 Ҳужжатли фильм.
13.25 «Телегазета».
13.35 «Деҳқонларга тааллуқли масала».
13.55 «Ишбилармон киши».
14.30 Санъаткор фильм жаванидан. Режиссёр Ю. Райзман. «Сўнгги тун». Бадиий фильм.
16.00 Мульти-пульти.
16.25 Болалар учун янгиликлар.
16.40 Эй-Би-Синнинг дунё янгиликлари.
17.10 «Янги чизиқ».

18.00—19.20
ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

19.20 Хонаки экран. «Санта-Барбара». Кўп серияли бадиий телефильм премьераси. 269-серия.
20.10 «Кўздан ғойиб бўлаётган манзара». Лев Аннинский кўрсатуви.
20.55 «Хужайин».
21.25 «Юқори палата сиймолари».
21.40 «Мен — йўлбошчиман».

22.00—22.20 Туркия телевидениеси. Хабарлар.

22.25 «Тафсилотлар».
22.35 «Юлдузлар билан суҳбатда».
22.40 Спорт кўрсатуви.
22.45 Фигурали учиш бўйича Европа чемпионати. Копенгагендан олиб кўрсатилади.
23.40 Мусиқа йирик планда. «Шаҳарлар ва учрашувлар».
00.30 Криминал хабарлар экрани.
00.40 «Тунги дискотека».

Пайшанба, 20. I

● ЎзТВ I

7.00—9.30 «Ассалом, Ўзбекистон!». Тонгги дам олиш кўрсатуви.

9.30 «Чекист ҳақида қисса». Бадиий фильм.
10.55 «Ёшлик» студияси. «Улуғбек ва биз».
11.35 «Ер юзидаги» телекомпаниясининг янгиликлари (АҚШ).
11.50 «Бола бошидан...». Мактабгача тарбия масалалари.

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 «Бугун». Ахборот кўрсатуви.
18.10 «Чимёнда бир кун». Телефильм.
18.20 «Менинг маҳаллам».
18.55 Эълонлар.
19.00 «Ўзбекистон» ахборотн (рус тилида).
19.20 Эълонлар.
19.25 «Иқтисод сабоқлари».
19.35 Ўзбекистон Давлат телерадиокомпанияси дуторчи қизлар ансамблининг концерти.
20.10 Оқшом эртакларн.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ўзбекистон» ахборотн.
21.00 «Ёшлик» студияси. «Ботма, қуёш!». «Ўзбекистон — тинчлик диёри».
22.00 «Бугдойзорлар оралаб». Бадиий фильм.
23.15 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

● ЎзТВ II

19.00 «Ўзбекистон» ахборотн (рус тилида).
19.20 Болалар учун. «Табассум».
20.00 «Пульс». Хабарлар.
20.20 «Тошкент оқшомлари».
21.50 «Пульс». Хабарлар.
«ОМАД» таништиради:
22.10 Эълонлар. «Кинонигоҳ».

● «ОРБИТА IV»

5.55, 15.20, 18.20, 21.20 — Кўрсатувлар тартиби.
6.00 Янгиликлар.
6.35 Эрталабки бадантарбия машқлари.
6.45 «Тонг».
9.00 Янгиликлар.
9.20 Мультфильм.
9.30 «Оддий Мария». Кўп серияли телевизион бадиий фильм премьераси.
10.20 «Саёҳатчилар клуби» (сурдо таржимаси билан).
11.10 «...16 ёшгача ва ундан катталар».
11.50 «Матбуот-экспресс».
12.00 Янгиликлар.
Кундузги киноэкспресс
12.20 «Капитан Фракасс». Телевизион бадиий фильм. 2-серия.
13.25 Мультфильмлар.

14.00 Футбол. Уэмбли сари йўл.
15.00 Янгиликлар (сурдо таржимаси билан).
15.25 «Тадбиркор».
15.55 «Қандай қилиб муваффақиятга эришиш мумкин!».
16.10 «Менинг оилам ва бошқа жониворлар». Кўп серияли телефильм. 3-серия.
16.40 Хизмат кўрсатган «Солнишко» рақс ансамбли ижро этади (Житомир).
17.10 «...16 ёшгача ва ундан катталар».
17.50 «Технодром».
18.00 Янгиликлар (сурдо таржимаси билан).
18.25 «Лабиринт».
18.50 «Ҳужжатлар ва тақдирлар».
19.05 «Оддий Мария». Кўп серияли телевизион бадиий фильм премьераси.
19.55 «Матадор».
20.40 Хайрли тун, кичкинтойлар!
21.00 Янгиликлар.
21.30 «Твин Пикс». Кўп серияли телевизион бадиий фильм премьераси. 23-серия.
22.40 «Ёшлик пайтларимизда». «Театр учрашувлари» кўрсатуви саҳифаларида.
23.10 «Останкино» концерт студиясида шоир Б. Чичибабин билан учрашув.
24.00 «Матбуот-экспресс».
00.10 «50х50». Танаффус пайтида (01.00) — Янгиликлар.
01.45 Футбол. Уэмбли сари йўл.

● «ДУБЛЬ IV»

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

7.30 «730-формула».
8.00 «Янги чизиқ».
8.20 Ишбилармон кишилар даври.
8.50 «Кетдик».
9.00 Теннис. Австралиянинг очиқ чемпионати.
10.00 «Мўмин-қобил йўлбошчилар».
10.30 «Мастер-класс». М. Ростропович.
11.15 «Азъ есмь».
11.40 «Рек-тайм».
12.10 «Параллеллар».
12.25 Концерт.
12.40 Хонаки экран. «Санта-Барбара». Кўп серияли бадиий телефильм. 269-серия.
13.30 «Деҳқонларга тааллуқли масала».
13.50 «Тилла шпора».
14.20 «Сайёрадош қўшиқлар».
14.50 Фигурали учиш бўйича Европа чемпионати. Копенгагендан олиб кўрсатилади.
15.45 «Телегазета».
15.50 «Янги чизиқ».
16.35 Болалар учун янгиликлар.
16.50 «Рост» студияси. «Такой возраст» ёшлар тележурнали.
17.20 Эй-Би-Синнинг дунё янгиликлари.
17.50 Спорт кўрсатуви.

18.00—19.10
ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

19.10 Хонаки экран. «Санта-Барбара». Кўп серияли бадиий телефильм премьераси. 270-серия.
20.00 «Ғалаба одимлари» телемарафони. Новгороддан олиб кўрсатилади.

22.00—22.20 Туркия телевидениеси. Хабарлар.

22.25 «Тафсилотлар».
22.35 «Юлдузлар билан суҳбатда».
22.40 «Сиёсат майдонида».
23.35 Криминал хабарлар экрани.
23.45 «Йил фасллари».

Жума, 21. I

● ЎзТВ I

7.00—9.30 «Ассалом, Ўзбекистон!». Тонгги дам олиш кўрсатуви.

9.30 «Олишув». Бадиий фильм.
11.05 «Ер юзидаги» телекомпаниясининг янгиликлари (АҚШ).
11.20 «Устозим хотирлаб».

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 «Бугун». Ахборот кўрсатуви.
18.10 «Ёшлик» студияси. «Ғазалхон ёшлигим».
18.45 «Медитация». Телефильм.
18.55 Эълонлар.
19.00 «Ўзбекистон» ахборотн (рус тилида).
19.20 Эълонлар.
19.25 Мақом куйларидан концерт.
20.00 Дунё воқеалари.
20.10 Оқшом эртакларн.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ўзбекистон» ахборотн.
21.00 Бевосита мулоқот.
22.00 «Мозийга қайтиб». Абдулла Қодирий таваллудининг 100 йиллиги олдидан. «Ровот қашқирлари».
23.30 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

● ЎзТВ II

19.00 «Ўзбекистон» ахборотн (рус тилида).
19.20 «Ўзбекистон спорти» (рус тилида).
19.55 «Иқтисод, тадбиркорлик, солиқ». М. Қодировнинг муаллифлик кўрсатуви.
20.30 «Ўзбекистон» ахборотн.
21.00 «Мирзиз куйлаганда». Фильм-концерт.

● «ОРБИТА IV»

5.55, 15.20, 18.20, 21.20 — Кўрсатувлар тартиби.
6.00 Янгиликлар.
6.35 Эрталабки бадантарбия машқлари.
6.45 «Тонг».
9.00 Янгиликлар.
9.20 «Қувноқ нотачалар».
9.40 Болалар учун фильм. «Само йўли».
10.20 «Олеся ва компания».
10.50 «Мени шундайлигимча эсланг». Тошкентдан кўрсатилади.
11.20 «Америка М. Таратута билан».
11.50 «Матбуот-экспресс».
12.00 Янгиликлар.
Кундузги киноэкспресс
12.20 «Ким қотил!», «Участковой!» «Ҳудуд» туркумидан. 1 ва 2-фильмлар.
14.35 Мультфильм.

15.00 Янгиликлар (сурдо таржимаси билан).
15.25 «Ишбилармонлар хроникаси».
15.35 «Бридж».
16.00 «Бизнес-класс».
16.15 Болалар учун фильм. «Само йўли».
16.50 «Олеся ва компания».
17.20 «Бедорлик». Мурманскдан кўрсатилади.
17.50 «Технодром».
18.00 Янгиликлар (сурдо таржимаси билан).
18.25 «Бир кўриш керак».
18.40 «Инсон ва қонун».
19.15 «Америка М. Таратута билан».
19.45 «Мўъжизалар майдони».
20.40 Хайрли тун, кичкинтойлар!
21.00 Янгиликлар.
21.30 «Твин Пикс». Кўп серияли телевизион бадиий фильм премьераси. 24-серия.
22.25 Немис актрисаси Ф. Гваль ижоди ҳақида.
23.05 «Ҳафтанинг машҳур кишиси».
23.20 «Матбуот-экспресс».
23.35 «Фестивалдаги намойиши». Палм-спрингсда халқаро кинофестиваль (АҚШ).
00.15 «Музобоз».
01.00 Янгиликлар.
01.35 «Тун» кўрсатуви.
02.55 «Х» программаси.

● «ДУБЛЬ IV»

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

7.30 «730-формула».
8.00 «Янги чизиқ».
8.20 Ишбилармон кишилар даври.
8.50 «Кетдик...».
9.00 Теннис. Австралиянинг очиқ чемпионати.
10.00 Хайрли тонг! «Чемпионлар учун нонушта».
10.30 XX аср кадрда ва кадр ортида. «Мусиқий афсона».
11.30 «Сиз яратган бог».
12.00 «Янги чизиқ».
12.30 Хонаки экран. «Санта-Барбара». Кўп серияли бадиий телефильм. 270-серия.
13.20 «Телегазета».
13.30 «Деҳқонларга тааллуқли масала».
13.50 «Оқ қарға».
14.35 «Россияда бизнес».
15.05 Россия телевизион театри. В. Вересаев. «Ҳаёлга келмаган воқеалар».
15.45 Жума куплари Дисней. «Максдан сўранг». Бадиий фильм.
16.35 Болалар учун янгиликлар.
16.50 «М-трест».
17.05 Эй-Би-Синнинг дунё янгиликлари.
17.35 Ҳужжатли фильм.

18.00—19.20
ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

19.20 Биз севган комедиялар. «Гусар қиссаси». Бадиий фильм.
20.55 «Ҳеч ким унутилмайди».
21.00 «Юлдузли ёмғир».

22.00—22.20 Туркия телевидениеси. Хабарлар.

22.25 «Тафсилотлар».
22.35 «Юлдузлар билан суҳбатда».
22.40 Фигурали учиш бўйича Европа чемпионати. Копенгагендан олиб кўрсатилади.
23.35 Спорт кўрсатуви.
23.45 «К-2» таништиради.
00.35 Тунги салон.
02.05 «Сариқ сувости кемаси» клуби (Эс-Эн-Си).

Шанба, 22. I

● ЎзТВ I

7.00—9.30 «Ассалом, Ўзбекистон!». Тонгги дам олиш кўрсатуви.

9.30 Республика газеталарининг шарҳи.
9.45 «Бетайин кишилар». Бадиий фильм.
11.10 «Алифбо сабоқлари».
11.40 «Фиғон». Ҳамза номидаги Ўзбек Давлат академик драма театрининг спектакли.
13.10 «Истиқлол эгаларн». Сирдарё вилояти ёшлари ҳаётидан.
14.10 Футбол. Голландия чемпионати.

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Болалар учун. «Қўнғироқча».
18.30 «Тилга эътибор».
19.00 «Ўзбекистон» ахборотн (рус тилида).
19.20 «Бизга мактуб йўллабсиз».
20.00 Жаҳон спорти янгиликлари.
20.15 Оқшом эртакларн.
20.30 «Ўзбекистон» ахборотн.
21.00 Телевизион миниатюралар театри.
21.40 Республика театрларининг телевизион фестивали. «Дилором». Алишер Навоий номидаги Ўзбек Давлат академик Катта опера ва балет театрининг спектакли.
00.10 «Тунги ёғду». Дам олиш кинопрограммаси.

● ЎзТВ II

19.00 «Ўзбекистон» ахборотн (рус тилида).
19.20 «Куйла, дуторим». Фильм-концерт.
19.45 «1994 йил — омла йили». Шифокорлар билан очиқ мулоқот.
20.30 «Ўзбекистон» ахборотн.
21.00 «Серенада». Қисқа метражли бадиий фильм.

● «ОРБИТА IV»

6.45, 15.20, 21.20 — Кўрсатувлар тартиби.
6.50 Эрталабки бадантарбия машқлари.
7.00 «Матбуот-экспресс».
7.10 Ишбилармон кишининг шанба тонги.
7.55 Янгиликлар.
8.30 «Спорт-имконият».
9.00 «Марафон-15» — кичкинтойларга.
9.30 Эфирда — Давлатлараро «Мир» телерадиокомпанияси.
10.55 «Тонгги почта».
11.25 «Лаззат».
11.40 «Сир-асрорлар дарвозаси».
12.25 «Инсонлар замини». Экологик кўрсатув.
12.55 «Ўз-ўзингга мадад бер».
13.25 «Останкино» телеэкранида биринчи марта. «Кулранг тошлар орасида». Бадиий фильм (Одесса киностудияси).
15.00 Янгиликлар.
15.25 «Пеппи Узунпайпоқ». Болалар учун кўп серияли телевизион бадиий фильм премьераси. 18-серия.
15.55 «Ҳаёт ва сиёсат». Ҳамжиҳатлик сари йўл.
16.25 «Экстро-НУЖ».
16.55 «Ультра-си». Спорт кўрсатуви. Фигурали учиш. Европа чемпионати. Эркин рақс. Данияндан кўрсатилади.
17.55 «Эрмитаж». Кўп серияли телевизион ҳужжатли фильм фильм премьераси. 1-фильм.
18.25 «Ҳафтанинг акс садоси».
18.55 «Бир боқишда муҳаббат».
19.45 «Коламбия пиктерс» таништиради. «Черри-стритдаги шартнома». Кўп серияли телевизион бадиий фильм премьераси. 3-серия.
20.40 Хайрли тун, кичкинтойлар!
21.00 Янгиликлар.
21.30 «Коламбия пиктерс» таништиради. «Тақдир ҳазилларн». Кўп серияли телевизион бадиий фильм премьераси. 3-серия.
22.20 MTV совриниларини топшириш.
23.50 «Матбуот-экспресс».
00.05 Сўнгги киносеанс. «Денгиздан чиққан ҳайвон». Бадиий фильм. Танаффус пайтида (01.00) —Янгиликлар.

● «ДУБЛЬ IV»

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

8.25 «Чашмалар».
8.55 «Ретро-шлягер».
9.25 «Рост» студияси.
9.55 Фольклор. «Кострома жиловари».
10.25 «Пилигрим». Россия саёҳатлар бюроси.
11.10 Ватандошлар. «Африкалик руслар».
11.40 Актёр кинотеатри. В. Лановой. «Қизил елканлар». Бадиий фильм.

13.15—16.20
«ЎЗБЕКИСТОН»
ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛИ

13.15 «Мамлакатлар, воқеалар, одамлар».
13.25 «Мозийдан ёғдулар».
14.00 ««Дийдор» (қозоқ тилида).
14.30 «Анор меваси». Италиянинг тасвирий санъати.
15.00 «Сийсий портрет». Гельмут Коль.
15.20 Чет эл эстрадаси артистларининг концерти.
16.00 «Бу ажиб дунё».

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

16.20 «Экспоцентр» таништиради.
16.25 «Чегарасиз футбол».
17.20 «Квадрат илдиз остидаги чақа-тангалар».
17.50 Спорт кўрсатуви.

18.00—20.15
ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

20.15 Фигурали учиш бўйича Европа чемпионати. Копенгагендан олиб кўрсатилади.
21.15 «Санта-Барбара» овозаси».
21.45 «Репортер».

22.00—22.20 Туркия телевидениеси. Хабарлар.

22.20 «Юлдузлар билан суҳбатда».
22.25 Телеэкранда премьера. «Урга». Бадиий фильм.
00.20 «А» программаси.
01.25 Тунги сеанс. «Ашерлар уйи». Бадиий фильм.

Якшанба, 23. I

● ЎзТВ I

7.00—9.30 «Ассалом, Ўзбекистон!». Тонгги дам олиш кўрсатуви.

9.30 «Футбол майдонларида».
10.00 «Ёшлик» студияси. «Аскар қўшиқлари».
10.30 «Маҳоҳорат». Кўп қисмли телевизион бадиий видеофильм (Ҳиндистон). 50—51-сериялар.
12.00 Телевизион миниатюралар театри (такрор.).
12.40 «Халқ ижодиёти». Қора ва Чори бахши Умировлар.
13.30 «Қишлоқ ҳаёти». Публицистик-мусиқий кўрсатув.
14.10 Самарқанд вилояти Иштихон туманн марказий Маданият уйи қошидаги «Роҳат» ашула ва рақс ансамблининг концерти.

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 «Булбулча» куйлайди.
18.35 «Ёшлик» студияси. «Сенинг замондошинг».
19.00 «Ҳафтанома» (рус тилида).
19.30 «Ойнаи жаҳонда».
19.45 Телевизион новеллалар театри. Вишна Прабхакар. «Қалб нидоси».
20.30 «Ҳафтанома».
21.10 Санъат усталари концерти.
21.50 «Иван Васильевич касбини ўзгартиради». Бадиий фильм.
23.20 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

● ЎзТВ II

«ОМАД» таништиради.
18.00 «Мультфейерверк».
18.30 «Курьер».
18.45 «Ҳар соҳадан бир шингил».
19.05 Болалар учун. «Совға».
19.30 «Дарахчи».
19.40 «Салом, ёшлар!».
20.05 «Илҳом» театрида Рождество кечаси.
20.25 «Курьер».
20.40 Об-ҳаво.
20.45 «Илҳом» театрида Рождество кечасининг давоми.
21.05 Эълонлар.
21.10 «Видео-О».
22.10 «Юлдузлар жилоси».
22.25 «Дарахчи».
22.35 Об-ҳаво.
22.40 Эълонлар.
22.45 «Видео-О».

● «ОРБИТА IV»

6.40, 15.15, 18.45, 01.20 —Кўрсатувлар тартиби.
6.45 Эрталабки бадантарбия машқлари.
6.55 «Руҳни чиниқтириш».
7.55 Янгиликлар.
8.30 «Телесеренада».
9.00 «Паузасиз».
9.35 «Эрта саҳарлаб».
10.05 «Полигон».
10.35 «Спортлото».
10.50 «Ҳамма уйдалигида».
11.20 «Ақлли болалар ва ақлли қизлар».
12.00 «Янги авлод танлайди».
12.45 «Пи» белгиси билан».
13.30 «Провинция».
«КТВ-I» ҳамда «Франс интернасиональ» канали таништиради:
14.00 «Пиф ва Геркулес». Кўп серияли мультфильм премьераси.
14.10 «Кусто командасининг сувости одиссеяси». Кўп серияли ҳужжатли фильм премьераси.

15.00 Янгиликлар.
15.20 Мультфильм.
15.30 «Саёҳатчилар клуби».
16.20 «Ҳунарли хор бўлмайди».
16.25 Мультфильмлар премьераси: «Мушук Феликс», «Ҳаётнинг ажина овловчилари».
17.20 Эфирда бевосита мулоқот.
18.00 «Авто-шоу».
18.30 Янгиликлар (сурдо таржимаси билан).
18.50 «Панорама». Ҳафтаник халқаро кўрсатув.
19.30 «Сеанс тарихи».
20.05 Катталар учун мультфильм.
20.20 «Большой театр. Куплар ва оқшомлар».
21.10 Юмор антологияси.
22.00 «Якшанба». Ахборот публицистик кўрсатуви.
22.45 Фигурали учиш. Европа чемпионати. Кўргазмали чиқишлар. Данияндан кўрсатилади.
00.30 «Катта сайр».
01.05 Янгиликлар.
01.25 «Минг бир кеча». Мусиқий кўрсатув.

● «ДУБЛЬ IV»

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

8.25 «Унутмаганлар ҳақида». Ҳужжатли фильм.
8.55 «Хайрли тонг!».
9.25 «Тўққизинчи пўртана». Дам олиш викторинаси.
9.55 «Рост» студияси. «Кик-боксинг», «Сенни—супер-ёшик».
10.25 «Агар сиз...».
10.55 «Аты-баты...».
11.25 Кипрас Мажейка. Аргентинадан репортажлар.
11.55 «Биз бахтли бўлмиз». Ҳужжатли фильм.
12.25 Теннис. Австралиянинг очиқ чемпионати.

13.25—16.50
«ЎЗБЕКИСТОН»
ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛИ

13.25 «Мамлакатлар, воқеалар, одамлар».
13.35 «Болеро». А. Навоий номидаги театрнинг хориждаги гастролларига.
14.05 «Дунё эшиги».
14.40 «Оҳанглар оғушида». Композитор Матнияз Юсупов хотирасига.
15.50 «АҚШда кичик бизнес».
16.30 «Бу ажиб дунё».

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

16.50 «Ҳайвонот оламида».
17.50 Спорт кўрсатуви.
17.55 Телефильм.
18.25 Диснейнинг сеҳрли олами. «Гуфи ва унинг командаси», «Қора плашч».
19.20 «Ҳар бир кун байрам».
19.30 «Ўз-ўзига режиссёр».
20.05 Эй-Би-Си билан якшанба оқшоми. «Хиёнат». Бадиий фильм.
21.50 Катталар учун мультфильм.

22.00—24.00
ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

24.00 «Ксюша ҳузурида».

РАҲМАТ ФАЙЗИЙ МОНОЛОГИ

(АДИБНИНГ ХОТИРА КЕЧАСИДА ЎҚИЛГАН ШЕЪР)

Ғаройиб ишларга бойдир бу дунё,
Ўйин, найранглари унинг беҳаддир
Менинг ҳам бошимга тушди кўп савдо,
Таянч бўлган мадад — сабру тоқатдир.

Халқ кўрдим, Ҳазрати инсонни кўрдим,
Яхшини ҳам кўрдим, ёмонни кўрдим,
Одамни хор қилган давронни кўрдим,
Барин эслайверсам — ажаб, ғалатдир.

Мағрурман, умримни сарҳисоб қилсам,
Қанийди, дўст-душман кимлигин билсам...
Жумбоққа тўладир бу кўҳна олам,
Баридан ёмони эса — туҳматдир.

Жафосини чекдим надоматларнинг,
Жабрини кўп тортдим разолатларнинг,
Бошимга ёғилган маломатларнинг,
Ярми бўҳтон чиқди, ярми ғийбатдир.

Не-не заҳматларни кўрди ғариб бош,
Ҳаёт йўлларимни тўсди тикан-тош,
Нурин аямади, лекин, пок қуёш,
Устозим — ҳақиқат, дўстим — меҳнатдир.

Шиддатли, суронли турмушдан айтсам,
Етимона, фақир юришдан айтсам,
Ватанни тўзғитган урушдан айтсам,
Даҳшатдир, ҳасратдир, кони қулфатдир.

Инсоний қайғулар титратган дамлар,
Қаламдан тўкилди ғамлар, аламлар,
Руҳий мадад берди Ғафур Ғуломлар,
«Ҳазрати инсон» — бу асли ҳимматдир.

Уруш бу — дунёда разолат бўлса,
Инсонлик шаънига ҳақорат бўлса,
Ёмонлар, ёвузлар бир миллат бўлса,
Етимлар — дунёда битта миллатдир.

Жар солдим, бонг урдим — «Уруш — иллат!» деб,
Эзгуликка келган қирон — офат, деб,
Дунёни асрайди — меҳр-муҳаббат деб
Янгратган овозим тўла даъватдир.

Тинчликка жўр бўлди сознм, илҳомим,
Қитъаларга етди сўзим, китобим,
Меҳру оқибат деб чорлар хитобим,
Қалбимнинг неъмати — чин диёнатдир.

Халқимдан ўрганиб, хулқ, ифтихорни,
Дунёга таратдим бахтли «Ер-ёрни»,
Куйладим чўлларга келган баҳорни,
Зеро баҳор билган кўнглим улфатдир.

Тошкент бўлди менга меҳрибон она,
Қадримни оширди қутлуғ замона,
Мустақил юртимга руҳим парвона,
Ҳур Ватан бор экан, ёдим ободдир.

Дўстларим унутса — фикр қилурман,
Халқим ёдга олур — шукр қилурман,
Эзгу ниятларни зикр қилурман,
Умрим файзли ўтди, исмим — Раҳматдир!

Музаффар АҲМАД.

• ОДОБНОМА

ИЙМОНГА ДОИР МАСАЛАЛАР

● Динсиз кишиларнинг қоидаларида кичиклар катталарга салом берадилар. Бу қоида исломда қандай?

Расулуллоҳга ҳеч ким у кишидан илгари салом бера олмас эди. Шунингдек, мўътабар саҳобалар ҳам ёш болаларга аввал салом берар эдилар. Демак, исломда хоҳ катта бўлсин, хоҳ кичик аввал салом бермоқ афзалдир.

● Мабодо бир одам сизни ўзингизда бўлмаган сифатлар билан айблаб туҳмат қилса, сиз уни ўзида бор айб билан айблашингиз мумкинми?

Йўқ. Асло мумкин эмас. Шундай қилишдан Расулуллоҳ қайтарганлар.

● Шариатда аёлларнинг қабристонни зиёрат қилишлари дурустми?

Бу борада Расулуллоҳдан шундай ҳадис бор: «Қабрларни зиёрат қилинглар, улар сизга охиратни эслатади». Бу ерда зиёрат эрқаклар учун хосдир. Аёлларни эса шариат қабристонга боришдан қайтаради. Оллоҳга қилинадиган ибодат, яъни номозда аёллар овозларини чиқаришлари мумкин бўлмаган ҳолда, қандай қилиб қабристонга бориб, овозларини чиқариб йиғлашларига рухсат берилсин. Ҳақиқатан ҳам, Оллоҳдан қўрққан, ўзини мусулмон деб ҳисобловчи аёл шариат рухсат этмаган жойга бормайди.

● Қуръони каримни бетаҳорат ушласа бўладими?

Ҳамма муфассирлар «Қуръони каримни бетаҳорат ушланмайди» деб тафсир қилганлар. Аммо Қуръони карим ёки Қуръон оятлари оёқ остида бўлса, гарчанд таҳоратингиз йўқ бўлса ҳам, уни олиб қўйишликка рухсат этилади. Имом Бухорий Қуръонни фақат мўминларгина ушлайдилар, деб тафсир қилганлар. Шунинг учун зарурат бўлган жойда бетаҳорат ушлашга рухсат берилади.

● Қибла тарафга ва фиқҳ китоблари турган томонга оёқ узатиш мумкинми?

Қибла тарафга ва фиқҳ китоблари турган томонга оёқ узатишлик макруҳ ҳисобланади.

● Нима учун Оллоҳ таоло Қуръони каримда фарзандларга ота-оналарингга яхшилик қилинглар, деб васият қилдию, аммо ота-оналарга фарзандларингизга яхшилик қилинглар демади?

Оллоҳ таоло ўзининг илми қадарияси билан ҳеч ота-онанинг ўз фарзандига ёмонликни раво кўрмаслигини билади. Фарзанд эса ҳар қанча хизмат қилмасин, ота-онанинг ҳақини адо қилолмайди. Зеро, ота-она фарзандини гўдаклик пайтидан, болам катта бўлармикан, кўпчиликка қўшиларми-кан, деб яхши ниятлар билан тарбия қилиб ўстиради. Аммо фарзанд эса кекса ота-онасига улар вафот топгунларича яхшилик қилсам, деб қарайди. Ота-оналаридан етган қийинчиликларни ночорлик билан қабул қиладилар.

Бир куни бир йигит Расулуллоҳнинг олдиларига келиб: «Отам менга қарашли нарсаларни сўровсиз олиб чиқиб сотиб юборибди»,— деб отасидан шикоят қилибди. Шунда Расулуллоҳ: «Ўзинг ҳам, молу дунёйинг ҳам отангникидир», — дедилар. Албатта ота-онанинг фарзанддаги ҳаққи беҳисобдир.

● Бировнинг кўринишига қараб баҳо бериш исломий қоидаданми?

Бу хусусда Расулуллоҳдан шундай ҳадиси муборак бор: «Ман ташаббаҳа би қавмин, фаҳува минҳум». Маъноси: кимки бир қавмга ўхшатиб (иш қилса) тақлид қилса, бас ўша одам ўша қавмдандир. Ушбу ҳадиснинг татиммаси — давоми бор.

Хулоса шуки: кимки, дин ишларида бирор қавмга ўхшаса, ана ўша одам ўша қавмдан бўлади. Масалан, бирорта ўзбек ёки тожик фарзанди насороларнинг диний одатига тақлид қилиб зиннорни эътиқод билан бўйинларига тақиб юрсалар, демак ўша ўзбек ёки тожик насоролар динига кирибди, деб эътиқод қиламиз. Аммо соч қўйиш, галстук тақиш диний амаллардан эмас.

● Талаби илм фарз. Бундан мурод нима?

Илм талаб қилиш ҳақида Расулуллоҳнинг қуйидаги муборак ҳадислари бор.

1. «Илм талаб қилишлик ҳар бир эркак ва аёл учун фарздир».

2. «Бешикдан лаҳадга боргунча илм талаб қилинглар».

(«101 саволга 101 жавоб» рисоласидан)

• *Соғлиғинг қадрига ет то хаста бўлмасдан бурун...*

Бир донишмандан ҳаётда ниманинг қадри баланд?— деб сўрашганда, у шундай деб таъбир қилган экан:

— Агар мол-дунё йўқотган бўлсангиз, асло қайғурманг. Борди-ю вақтни беҳуда бой берган бўлсангиз, анча йўқотган бўласиз. Мабодо соғлиғингизни йўқотган бўлсангиз, жуда катта бисотдан айрилган бўласиз.

Ҳа, инсон боласи турмуш ташвишлари билан бўлиб, саломатлигини кўпам ўйлайвермайди. Зеро, кексаларимиз тўрт мучанг соғ бўлсин, деб дуо қилишади. Шунга қарамай юриб, кўриб, нафасланиб турганимизга, меҳнат қилиб топган ноз-неъматлардан баҳраманд бўлишимизга ҳамиша ҳам шукрона айтмаймиз. «Соғлиғинг қалай?»— дейилганда, «Отдай»— дейишни маъқул кўрамиз. Дарвоқе, куч-қудрат рамзи бўлган от орзу-қанот, тетик ва бардамлик тимсоли экани маълум.

Олимларимиз изланишларига қараганда, одам боласи умр бўйи ўзининг руҳий ва жисмоний имкониятларининг бор-йўғи 7 фоизини сарф этаркан. Албатта, бундай имконият саломат кишида бисёр. Балки, ўзимиз ўйламаган ва билмаган ҳолатда арғумоқ миниб юрармиз. Фақат ҳис этмаймиз. Қаддимиз тик эканини унутиб, елиб-югурамиз. Иссиқ жон дегандек, ёстиқ тортса, иборали қилиб айтганда, «емишсиз» қолган арғумоқ — соғлиғимизни ўйлаймиз.

Азиз муштарий, янги рукнни нима учун «Арғумоқ остингдадур» деб номлаганимизни англагандирсиз. Ҳа, «эл соғлиғи — юрт бойлиги», деб бежиз айтишмайди. Меҳнат аҳлининг соғлиғи қанчалик мустаҳкам бўлса, келажаги порлоқ давлатимиз соғлом авлодини камол топтиришга замин бўлади. Зотан, ҳамиша меҳнатга лаёқатли бўлиш ҳаммамизга боғлиқ. Илмий асослар далолатки яхши ниятда касал кўнглини овлаш, уни оёққа туришига имкон берар экан. У ёғини сўрасангиз кўча-кўйда соғлиғимиздан нолиб қолсак, ҳамроҳимиз «фалон нарса» қилиб кўрмадингизми? — дейиши тайин. Хўш, ўша «фалон»нинг ўзи нима?

Маълумки, халқимиз Ибн Сино «ворисларидир». Шу боисми, одамлар ўртасида туркона муоалажа, малҳам ва тавсиялар кўп учрайди. Биз эса «Арғумоқ остингдадур» рукнида ўша «фалон»ларга йўл очиб, одамларни ўзаро бир-бирларига мадад қўлларини чўзишларига имкон бермоқчимиз.

Ким билади дейсиз, бироз кўпроқ ухлаб, дам олиб соғлиғини тиклар, бошқаси югуриб, жисмоний машқлар қилиб ўзига келар. Кимдир ях сувга чўмилар, яна бири кетмон, ток қайчини қўлига олар. Улов ё велосипедга миниб, хумор ёзадиганлар ҳам бор. Ҳар қалай турли хасталик ва дарддан фориғ бўлишликни ўзида синаб кўрган кишилар ана шулар ҳақда бизга ёзишса, муштарийлар дуо қилишарди, деган умиддамиз. Фақат хат-жилд устига «Арғумоқ» деб ёзишни унутманг. Қуйида эса бир отахоннинг мактубини эътиборингизга ҳавола этамиз.

ХАФАҚОН ВА ЙЎТАЛ МАЛҲАМИ

Уруш кўрган бир кекса одам сифатида ўзим муоалажа қилиб юрган баъзи туркона дори-дармонларни бошқаларга ҳам раво кўрмоқчиман. Ҳозир хафақон, бош оғриғи, айниқса йўталганлар кўп. Ўйлайманки, беҳининг хосиятини кам одам билади, билса ҳам ҳамма фойдаланмайди. Хусусан, ўртача беҳини олиб, ўртасини ўйиб, бир қошиқ асал ёки бир жаз думба солиб, ҳўл латтага ўраб, қўрга кўмиши ё газ иссиқхонасида тобига етказишни кўпчилик билади. Зеро мен беҳининг уруғини эзиб, чой ўрнида дамлаб ичиш йўталга малҳам эканига гувоҳ бўлганман. Шунингдек, беҳининг нозик новдаларини майдалаб, диммлама тарзида ичиш эса хафақонликни бартараф этади. Ҳаммангизга тан-сиҳатлик тилайман.

Абдуҳаким АБДУМАЛИКОВ,
уруш ва меҳнат фахрийси.



ҚИЗИҚ ГАПЛАР

ЮМРОНҚОЗИҚ ИНИДАН ТОПИЛГАН ОЛТИН

•

Олмониялик Кристина ва Иоахим Вельс деҳқончилик қилолмай қолди. Унинг ерида пайдо бўлган юмронқозиқлар экин-тикинни пайҳон қилиб, илдизини қуритарди. Иоахим қўлига белкурак олиб, кемирувчиларнинг маконини топишга аҳд қилди. Эндигина кавлаб бораётганида, белкурак қаттиқ нарсага урилди. Кейин билса, олтин тангалар экан. Бу тангаларнинг жами 89 та чиқди. Ҳар бир танганинг оғирлиги 4,2 грамм бўлиб, ўз замонаси даҳоларининг тасвирлари туширилган эди. Мутахассисларнинг фикрича бундай тангалар Француз қироли Филлип IV даврида 1311—1313 йилларда зарб этилган экан. Юмронқозиқ инидан олинган топилма 525 минг немис маркаси ҳисобида баҳоланмоқда.

ЎЗИГА ЎТ ҚЎЙМАЙДИГАН БЎЛДИ

Пермь вилоятининг Кунгур шаҳрида қизиқ воқеа юз берди. Бунга «Искра» вилоят рўзномасида мактуби эълон қилинган аёлнинг даъвоси сабаб бўлди. Маълум бўлишича, темир-бетон буюмлари заводида ишлайдиган турмуш ўртоғи кўпдан бери маош ололмай, фаррош хотинининг боқимандаси бўлиб қолган. Бунга тоқат қилолмаган аёл болаларим билан заводга бориб, устимдан бензин қуйиб ўзимни ёқаман, деб талаб қўйишга мажбур бўлган. Мактуб муаллифи ўзининг кимлигини ёзмаган бўлсада, корхона кадрлар бўлими бошлиғи газета орқали: «ўзингизни қурбон қилманг, касаба уюшмаси ёрдам бермоқчи», деб ёзди. Шундан кейин корхона касаба уюшмаси ишчиларнинг меҳнат ҳақини вақтида олишлари учун ёрдам пули ажратиб, саноат ва озиқ-овқат савдосини уюштирди. Ҳар нарсада шошма-шошарлик ярамайди, деганлари шу бўлса керак-да.

МУШУК ОПЕРАЦИЯСИГА 35 МИНГ

Екатеринбургда истиқомат қилувчининг уйида «Кнопа» лақабли қорамош бўларди. Бу мушукнинг ҳаёти билан боғлиқ антиқа воқеалар содир бўлиб турибди. Яқинда бу мушукчанинг болалаши қимматга тушди. Уй эгаси жониворни қийналиб қолганини кўриб, ҳайвонлар учун мўлжалланган тезкор тиббий гуруҳни чақиришга мажбур бўлди. Операция муваффақиятли ўтиб, мушукчаларнинг дунёга келиши 35 мингга тушди. «Кнопа» илгари ҳам ана шундай аҳволда туғруқхонага олиб борилган эди. Мушукпарварлик ҳам шунчалик бўлади-да.

ШАХМАТ АЖОЙИБОТЛАРИ

Ўйин пайтида томошабинлардан бири мастердан сўрабди:

— Бир руҳингиз кам-а? Уни қурбон берганмисиз ёки кўрмай бериб қўйганмисиз?

— Ҳозирча ҳеч нима дея олмайман, — дебди мастер.

— Агар ютиб чиқсам — қурбон қилган бўламан, ютқазсам, кўрмай қолган бўламан.

* * *

— Энг яхши кўрган дебютингиз қайси?

— Рети дебюти. Ўша дебютда сира ютқазмаганман.

— Қандай қилиб?

— Ҳеч қандай ўйинни шу дебют билан бошламаганман, вассалом.

* * *

— 4 яшар шахматчи бола рояль олдига келди-да клавишларга қараб пианиночидан сўради:

— Амаки, қайси бири ютади, оқларми ёки қоралар?

* * *

— Кеча турнирда қандай ўйнадинг? — сўради шахматчиларнинг бири иккинчисидан.

— Ютқаздим.

— Бугун қандай ўйнамоқчисан?

— Кечагидан ҳам яхшироқ!

* * *

— Бир мухбир машҳур гроссмейстердан сўрабди:

— Янглишмасам, сизни Испанияда кўрганга ўхшайман.

— Мен у ерда бўлган эмасман.

— Ундай бўлса, Югославияда кўрган эканман.

— У ерда ҳам бўлмаганман.

— Бўлмаса, бирон бир бошқа жойда кўрган бўлсам керак.

— Балки шундайдир — жилмайиб жавоб берди гроссмейстер, — бошқа жойларда ҳақиқатан ҳам бўлганман.

ЎЗИНГИЗНИ СИНАБ КЎРИНГ



Оқлар бошлаб уч юришда мот қилади.

Мамажон МУҲИДДИНОВ.

ҚИШНИНГ ҲАМ ЗИЙНАТИ БОР.
Абдувоҳид Тўраев сурати.

Ўзбекистон Республикаси Озиқ-овқат саноати концерни қошидаги
«ЎЗБЕКОЗИҚОВҚАТТРАНС»
бирлашмасига қарашли
биринчи бош АВТОТРАНСПОРТ корхонаси
АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИГА
айлантирилади.

Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш билан боғлиқ ишлар Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкини бошқариш ва хусусийлаштириш қўмитаси марказий комиссияси томонидан амалга оширилади.

Қайтадан қайд қилингунча илгариги банк реквизитлари ва ҳуқуқий манзилгоҳ ўзгармайди.

Маълумотлар учун тел: 47-03-06, 47-82-44.

ЛАТИФА—ТОПИШМОҚ

(ТЕСТГА ТЕСКАРИ)

Сизнинг эътиборингизга олтита латифа ҳавола этилмоқда. Бу латифаларнинг тугалланмаси ўзига мос эмас. Ҳар бир латифанинг тугалланмаси қолган бештасининг бирида. Бу таҳririят ёки босмахонанинг айби эмас, аксинча...

Мақсадга ўтамиз. Қўлингиздаги соатни ечиб (ечмасангиз ҳам майли) олдингизга қўйинг, маълум бир вақтни белгилаб олиб, масалани ечишга ҳаракат қилинг.

* * *

— Мен эътибор билан кузатиб турдим. Шоир ўзининг «Ўғрилар» деган шеърини ўқиб берганида сиз ҳўнг-ҳўнг йиғладингиз. Демак, шеъриятга ихлосингиз баланд экан-да, а?

— Сизнинг қувончингизга ҳамдардман, лекин кўчада буни бақириб айтиш мумкин эмас-да.

* * *

Ҳамшира бемор спортчининг иссиқлигини ўлчаркан, деди:

— Сизнинг температурангиз қирқдан ошиб кетибди!

— Мен билмаган эканман, сизда у борлигини.

* * *

Бир эркак ҳаётдан бевақт кўз юмди. Унинг қабри тепасида дўсти нутқ сўзлади:

— ... У ёш хотинини ташлаб боқий дунёга кетди...

Дўстининг беваси унинг гапини бўлди:

— Ҳечам-да! Унда жаннат жаннат эмас, дўзах бўларди!

* * *

— Судланувчи, нима учун сиз тун ярмида бутун кўчани бошингизга кўтариб қўшиқ айтиб юрибсиз?

— Ҳурматли судя, мени хотиним уйдан ҳайдаб юборган эди!

— Менинг ҳам машинамни ўғирлаб кетишган эди.

* * *

Худосиз бир аёл художўйдан сўради:

— Айтинг-чи, жаннатда эркак билан аёл бирга юришадими?

— Шу пайтгача бирорта эркак мени ташлаб кетгани йўқ.

* * *

— Сизни кўпроқ нима безовта қилади?

— Пул!

— Қизиқ, жаҳон рекўрди қанча экан ўзи?

* * *

Топдингизми? Энди соатга қаранг-чи, масалани ечишга қанча вақт сарфлабсиз. Сарфлаган вақтингизга қараб ўз характерингизни белгилаб олинг.

А. Агар сиз бир дақиқа вақт сарфлаган бўлсангиз: Сизнинг характерингизда кулгига мойиллик ўта кучли. Табиатингизда қизиқчиликка мойиллик бор. Сиздан тўйларда ўртакаш ёки арракаш уста чиқиши мумкин. Пивога пулингиз етмаса «Пепси-Кола» ичиб, ўзингизни кайфиятингизни ўзингиз кўтариб юрасиз.

Б. Агар сиз бир дақиқадан икки дақиқагача вақт сарфлаган бўлсангиз: Сиз туғма иқтисодчисиз, лекин сизга уйқучи эканлигингиз кўпроқ ҳалақит беради. Сиз товуқнинг тухумини, эчкининг сутини, сутнинг қаймоғини, ўрикнинг данагини, узумнинг сувини яхши кўрасиз. Сизга биржаларда чайқовчилик қилиш унчалик омад келтирмайди. Томорқангизга пиёз ёки саримсоқ экмасангиз бой бўлиб кетишингиз ҳеч гап эмас.

В. Агар сиз икки дақиқадан уч дақиқагача вақт сарфласангиз: Сизнинг табиатингизда бирмунча танбаллик аломати бор. Овқатни ёнбошлаб ейсиз, бу эса ошқозонингизга хони зарар. Яқин орада сизга чет элдан таклифнома келади: ё сизни меҳмонга чақиришади ёки ўзлари меҳмон бўлиб келишади. Унисига ҳам, бунисига ҳам доимо шай туринг.

Г. Агар сиз уч дақиқа ва ундан ортиқ вақт сарфласангиз: Характерингизда кулгига мойиллик бор, лекин кулолмайсиз, сизга нарх-наво ҳалақит беради. Сизни фақат метин ирода ва сабр-қаноат бу кўргиликлардан қутқариб қолиши мумкин. Бунинг учун ҳар куни эрталаб бозор атрофидан уч марта югуриб, айланиб чиқасиз. Тижорат дўконларидаги нарх-навога камроқ осилинг, бўйингиз нўрмадан ортиқ чўзилиб кетиши мумкин. Асабингизни мустаҳкамлаш учун ойдин кечада кўпроқ айланинг. Ой тутилганда хотинингизга ёмон гапирманг.

Сизга омад тилаб
Илҳом ЗОЙИР.

Тошкент Давлат техника дорилфунуни томонидан **ХУЖАҚУЛОВ Махамади Акромович** номига 1991 йил 17 декабрда берилган ФВ 973709 рақамли диплом **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

ЎТГАНЛАРНИНГ ОХИРАТИ ОБОД БЎЛСИН

«Ўзбекбирлашув»нинг улгуржи-савдо ишлаб чиқариш техника базаси жамоаси база директори А. А. Ҳакимовга онаси **Қаюм қори қизи ФЕРДАУС аянинг** вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

«ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ»

МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

Бош муҳаррир: Азим СУЮН.

Таҳрир ҳайъати: Абдулла ОРИПОВ, Абдулҳафиз ЖАЛОЛОВ, Азиз НОСИРОВ, Аслиддин БОЛИЕВ (масъул котиб), Зиёд ДАВРОНОВ, Ислом ШОҒУЛОМОВ, Каримжон РИХСИЕВ, Миршароф МУҲСИМОВ, Олимжон НАЗАРОВ, Тўхтамурод ТОШЕВ (бош муҳаррир ўринбосари, «Осиё бозори» иловаси учун масъул), Шоқосим ШОИСЛОМОВ, Шуҳрат ЖАББОРОВ (бош муҳаррир ўринбосари).

Мафкура ишлари ва партия ҳаёти бўлими — 33-21-43.
Иқтисодиёт бўлими — 33-47-80, 32-54-27.
Парламент фаолияти ва ҳуқуқ бўлими — 33-54-55, 32-26-70.
Адабиёт, фан ва маданият бўлими — 33-07-20, 32-57-19.
Хатлар ва оммавий ишлар бўлими — 33-11-49, 33-76-04.
Ахборот ва спорт бўлими — 33-12-56, 32-55-16.
Тижорат, эълонлар — «Осиё бозори», редакцияси — 33-41-89, 32-55-70, 33-38-55, 32-54-12.
Шароф Рашидов фонди — 33-34-69, 33-20-36.
Қабулхона — 33-65-45, 32-55-15.

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ

Андижонда — 4-48-85; Бухорода — 3-96-12; Гулистонда — 2-26-22; Жиззахда — 3-46-24; Навоийда — 3-74-76; Наманганда — 6-43-43; Нукусда — 4,44-62; Қаршида — 3-25-79; Қумқўрғонда — 52-624; Самарқандда — 35-22-90; Урганчда — 6-72-60; Фарғонада — 6-37-16.

●Рўйхатдан ўтиш тартиб № 000120.
Газета офсет усулида А—2 форматида босилади.
Ҳажми 3 босма табоқ.
Босишга топшириш вақти — 21.00.
Г—687. тир. 82.747. топширилди —22.00.
Навбатчилар: Ҳ. НОСИРОВ, М. МИРФАЙЗИЕВ.



МАНЗИЛИМИЗ: 700083. ТОШКЕНТ, ГСП, МАТБУОТЧИЛАР КУЧАСИ, 32-УЙ.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили «Буюк Турон» кўчаси 41-уй. 123456.